

**ПАНОҲ ШУЪЛАСИ**

2-бет.



**ЗДОРОВЫЙ РЕБЕНОК ОТ ЗДОРОВЫХ РОДИТЕЛЕЙ**

4-я стр.

**Ушбу сонда:**



**УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ**

5-бет.



**ШИФОКОР АЁЛНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ**

7-бет.


# ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
# ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА


**«Шифокорнинг кўзи лочиндек ўткир, қўллари қизларнинг қўлларидек майин, ақли илон каби донишманд, қалби шерникидек довюрак бўлиши керак».**



**«Врач должен обладать глазом сокола, руками девушки, мудростью змеи и сердцем льва».**

*Абу Али ибн Сино.*


Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган. № 48 (304) 2002 йил 3 декабрь – 9 декабрь. Сешанба кунлари чиқади. Сотувда эркин нархда.


## 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

*«Бизнинг асосий Қонунимиз халқимиз хоҳиш-иродаси ва руҳи, дунёқараши ва маданиятини акс эттиради. Зеро, уни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда барча халқимиз иштирок этди. Бир сўз билан айтганда бу ҳужжат халқимиз фикри ва ижодиёти маҳсулидир».*

Ислом КАРИМОВ.




**Муҳаррир минбари**

# ЮКСАК ҚАДРИЯТЛАР ҚОМУСИ

Конституциявий қонун-қоидаларнинг жамиятимизга тадбиқ қилиниши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Давлатнинг бу хусусияти конституциявий меъёрларнинг амалга оширилиши учун ҳуқуқий асос яратади.

Конституциямизнинг давлатимизни ва жамиятимизни ривожлантиришдаги аҳамияти шундан иборатки, у жамиятнинг бозор муносабатларига ўтишида давлатнинг иш фаолиятини аниқ-равшан белгилаб беради.

Чунончи, жамият ривожланишининг энг ишончли синалган йўли – қонунийликдир.

Конституция бозор муносабатлари шароитида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбуриятлари давлат томонидан кафолатланиб, мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги масъулиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишига пойдевор яратди. Шунингдек, давлатимиз ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган Республикамиз Конституциясида инсонпарвар демократик ҳуқуқлар, инсоний бурчлар тўла ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Конституцияси халқнинг мустақиллиги, ҳур фикрлиги, барча инсоний ҳуқуқларга тўла эришиб, ўз диёрида ҳуқуқий демократик давлат қуриш имкониятини таъминлаши учун буюк ва эътиборли миллий тарихий васиқа (ҳужжат) ҳисобланади.

Ҳозирги замонда ҳар бир мамлакатнинг Асосий қонунига, унда инсон ҳуқуқи халқаро демократиясининг қадриятларига қанчалик акс эттирилганига қараб баҳо берилади. Қонунларга баҳо бериш учун ушбу меъёр энг асосий ва ҳақиқатга мос келадиган ўлчовдир, чунки инсон ҳуқуқини кафолатлаш учун, жаҳон барча давлатлари томонидан тасдиқланган ушбу халқаро декларациядан устун турадиган бошқа ҳужжат йўқ.

Инсон ҳуқуқи халқаро декларациясининг муқаддимасида бундай дейилган: «Башарият оиласи барча аъзоларининг қадр-қимматти ва уларнинг ажратиб бўлмас ҳуқуқлари эътирофи, жаҳон миқёсида эркинлик адолат ва тинчлик негизини ташкил этади. Умумий ассамблея ушбу декларацияни барча инсонлар ва ҳамма миллатларнинг муштарак истаги деб эълон қилади».

Инсон ҳуқуқи халқаро декларациясининг ўттизта моддасига киритилган барча қадриятларни қамраб олган Ўзбекистон Конституцияси энг мукаммал суръатда уларни акс эттириши билан жаҳоннинг йирик ва демократик давлатлар Асосий қонунлари орасида ўзининг муносиб ўрнига эга.

Ўзбекистон Конституциясининг ўзбек халқи номидан инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ўзбек давлати ривожининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинади ва инсонпарвар демократик давлат барпо этилиши кўзланади. Фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш, айниқса, алоҳида қайд этилган ва буларга эришиш Асосий Қомуснинг ёрқин мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясининг энг муҳим томонларидан бири шундан иборатки, бу соҳада фақатгина умумий принципларни зикр этиб ўтиш билан чекланиб қолмай, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини айрим бобларда кенг кўламда акс эттириб, уларнинг ҳимояси учун кафолат беради.

Халқимизнинг маънавий салоҳияти, унинг улкан табиий ва техника имкониятлари, мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалари, демократик ривожланиш ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этиш учун босқичма-босқич барча шарт-шароитлар яратилажагига ишонч уйғотади.

Жамиятимизда демократия ва инсон ҳуқуқлари фақат қонунлар билан эмас, балки халқимизнинг тафаккури, маънавий тажрибаси билан ҳам мустаҳкамланмоқда.



*Болажон, қалбинг биринчи қордек беғубор бўлсин!*

**А. НУРАТДИНОВ** олган сурат.

**IX боб.**

**40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.**



## ДИЛ ИЗҲОРИ

**2–Тошкент Давлат Тиббиёт институти клиникасининг гинекология бўлимида фаолият кўрсатаётган тажрибали, оққўнгилли, ширинсуҳан профессор Дилбар опа НАЖМИДДИНОВА!**

**Сиз кўзимнинг оқу қораси бўлган фарзандим Гулнозанинг ҳаётини сақлаб қолдингиз. Дунёдаги жамики яхшиликларни сизга бахшида айлаб, бир умр таъзимдаман.**

*Чексиз ҳурмат ила, Гулнозанинг онаси Ҳалима Жумаева. Навоий вилояти.*

**IX боб.**

**41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.**




**РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73.**

Здравоохранение
Узбекистана

# 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни



## ПАНОҲ ШУЪЛАСИ

***Инсон фақатгина бир марта дунёга келади. Умрнинг охиригача яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам бошидан кечиради. Халқ нақли билан айтганда инсон боши тошдан дейилгани рост бўлиб, тақдири пешонамизга нима битилган бўлса, шунга шукр қилмоқдан ўзгача илож йўқ экан. Юрагимда бир умр армон бўлиб келган ниятларим амалга ошганидан хурсандман. Гар ожиз бўлсам—да, қалбимни ёритувчи шундай шуъла борки, юрган йўлларимни чироқ мисол ёритиб келмоқда. Келинг яхшиси, фаолиятимизни бошлашдан олдин кичик бир воқеани айтиб берай.***

Йўлдошев Муслимжон уч ярим ёш, аслида асакалик. Минг афсуски, бағритош ота—она болани бувисининг қўлига ташлаб кетишган. Муслимжоннинг бир кўзи ногирон бўлиб туғилган эди. Бувиси югуриб—елиб протез кўз қўйдиради. Бола бечора протезни ўзи олиб, гигиена қоидаларига риоя қилмасдан яна қайтиб жойига қўярди. Ва ниҳоят, унинг қўлидан тушган инфекция Муслимжонни иккинчи кўзига ўта бошлади. Яхшиямки, вақтида аниқлаб тезда Тошкентга олиб келдик, мутахассисларга кўрсатдик. Муслимжонни ожизлик балосидан қутқариб қолдик.

Ўзбекистон кўзи ожиз ва заиф болалар ҳамда ёшларни реабилитация қилиш бўйича «Паноҳ шуъласи» жамғармаси 2000 йил 18 июлда рўйхатдан ўтиб, шу кунга қадар Тошкент, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини кўрсатиб келмоқда.







Бизнинг асосий мақсадимиз Республикамиздаги кўзи ожиз болалар ва ёшларга қаратилган бўлиб, фаолиятимиз давомида уларга ҳар томонлама ёрдам бериш ва кўмаклашишдир.

Шу йилнинг май ойидан бошлаб, ҳозиргача Тошкент шаҳар ва Тошкент, Жиззах, Фарғона, Андижон вилоятларида кўзи ожиз болаларни соини, яшаш шароити, муҳтожлиги бўйича ахборотга эга бўлиш учун талқиқот ишларини олиб боряпмиз. Аниқланиб рўйхатга олинган болаларнинг сони 1800тага етди.

Уларнинг кўпчилиги озиқ—овқат, қишки кийим, пойафзал, дори—дармон, тиббий ёрдамларга ниҳоятда муҳтожликлари аниқланди. Шу боис, биз уларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатсак мутлоқ кўр бўлиб қолишларидан сақлаб қолишимиз мумкинлиги туфайли қўлимиздан келгунча ҳаракат қилмоқдамиз.

Шунингдек, тарбияни тўғри олишлари учун, ўз вақтида ўқишга жалб қилиш, қолган кўриш, эшитиш, сезиш имкониятларини сақлаб қолиш ва ҳар қандай кўз касалликларининг олдини олиш каби ишларни ҳам амалга ошириб келмоқдамиз. Икки йил давомида кўзи ожиз болаларимизга, шаҳарда таълим олаётган талабаларимизга ва Й.Охунбобоев номли кўзи ожиз болаларнинг махсус интернатига 700 минг сўмлик ҳар томонлама ёрдам кўрсатган бўлсак, ёз ойларида ташкилотимиз «Каунтер парт консорциум» лойиҳасида иштирок этди, Андижон вилояти, Асака тумани, Ниёзботир шаҳарчасида жойлашган кўзи ожиз болаларни махсус мактаб интернатига 5 миллион сўм сарфлаб ҳаммом қуриб бердик. 2002 йилнинг 1 май кунидан бошлаб, ташкилотимиз Республикамизда ўз фаолиятини кўрсатиб келаётган ЮНИСЕФ ваколатхонасининг «Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болаларга ёрдам кўрсатиш» бўйича дастурида иштирок этиб, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Андижон вилояти Асака тумани ва Жиззах шаҳрида кўзи ожиз болаларнинг сони, яшаш шароити бўйича маълумотга эга бўлиш ташхис қўйиш, вақтида тарбия ва таълим олишга жалб этиш ишларини ҳам бажариб келмоқдамиз.

Эҳе, бу олиб бораётган лекин ҳали ниҳоясига етказилмаган ишларимиз давомида биттагина Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида 50дан ортиқ кўзи бўйича ногирон ва 200га яқин ҳар хил касалликлар орттирган болалар аниқланди.

Асосий бир фаолиятини айтиб ўтсам. Ўйлаб қарасак, фаолиятдаги ишларимизнинг асосий томони тиббиётга келиб боғланар экан. Шунинг учун ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар бўлими ҳамкорлигида кўзи ожиз ва заиф болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини олиб боряпмиз. Яна бир асосий холисони ёрдамни айтиб ўтишни жуда ўринли деб биламан. Болаларимиздаги кўз касалликларини аниқлаш ва уларга тиббий ёрдамни кўрсатишда Республика кўз касалликлари шифохонасининг лазер бўлимидаги тажрибали шифокорлардан Умида Юсупова ва Диёра Файзиеваларнинг меҳнатлари ниҳоятда катта бўлмоқда. Билимдон, чаққон шифокорлар болаларимиздаги касалликларни аниқлаб, тез ёрдамни ўз вақтида кўрсатишиб, давога муҳтожларни эса болалар бўлимида ётиб даволанишларини тавсия қилмоқдалар. Мен ана шундай камтарин инсонлар меҳнатидан ғоят мамнунман. Бундай бепул холис хизмат қилиш ҳар қандай кишининг ҳам қўлидан келавермайди. Бизга ёрдам қўлини чўзаётган ана шундай қалби пок инсонларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Мени яна бир ташвишга соладиган муаммо қишлоқ шароитидаги кўзи ожиз болаларни ота—оналар ва шифокорлар томонидан аниқланмаётганлигидир. Истардимки, тиббиёт ходимлари, ота—оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар кўзи ожиз ва заиф болаларимиз тўғрисида тезда бизга хабар берсалар болаларимиздаги кўрликнинг олдини олган бўлардик. Яқинда ўтказган семинаримизда ҳам қилинган ишларимизнинг натижаси юқори бўлганлигини мутахассисларимиз таъкидлаб ўтдилар. Тез кунларда навбатдаги семинаримизни ўтказиш арафасида турибмиз. Унда ҳам асосий долзарб муаммоларни кўриб чиқиб, 2003 йилдаги вазифаларимизга замин яратмоқчимиз. Чунки кўзи ожизларнинг махсус ёзув асбоблари, грифеллари ва бошқа керакли буюмлари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди, дафтар—қоғоз масалалари ҳам катта муаммо, услубий қўлланмалар чиқариш керак. Демак, буларнинг ҳаммаси фаолиятимиздаги ишларимизнинг асл мақсади экан, шунинг учун ҳамкорликда иш олиб боришга тайёрмиз. Агар биз кўзи ожиз ва заиф болаларимизга қуёш нуридан баҳра олишларини, бутун борлиқнинг жамолини кўришини инъом этсак, уларнинг ўксик қалбларини тўлдира олсак, ўзимизни бахтиёр ҳис этган бўлардик.

**Содиқ ҲАСАНОВ,**
**«Паноҳ шуъласи» жамғармасининг раиси**

## ЯНГИ БЎЛИМ ИШГА ТУШДИ

Жиззах вилоят ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш минтақавий марказига Пўлат Алимов раҳбарлик қилади.

Марказда даволаш ишлари билан биргаликда касб-ҳунар ҳам ўргатишади. Сартарошлик, этикдўзлик, бичиш-тикиш, компьютер мутахассисликлари бўйича уч ой ўқитилиб, сертификатлар берилади. Яқинда «Ортопедия реабилитацияси» ишга туширилиб унга Ўроқ Мустафоев етакчилик қилмокда. Бўлимда буюртма қабул қилиш хонаси, протез маҳсулоти ишлаб чиқариш, ортопедик пойафзал устахонаси, тайёрланган маҳсулотларни кийиб кўриш хоналари мавжуд. Врач-протезист ва 2 нафар техник-протезист мутахассислиги бўйича Республика таянч-ҳаракатлари касалликлари тизими миллий реабилитация марказида ўқиб келди. Марказда махсус компьютер хонаси ажратилиб, уни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари тугатилди, компьютер ўрнатилиб ишга туширилди.

Бош бошқарма ижтимоий бўлими ВТЭК ходимлари билан ҳамкорликда вилоятда протез-ортопедия маҳсулотларига муҳтож ногиронлар банк маълумотларини тузиб чиқди. Реабилитация сифатини ошириш мақсадида марказ кенгашида реабилитация ўтказиш учун ногиронларни танлаш услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган. Ижтимоий реабилитация бўлимида олий тоифали ҳуқуқшунос ва врач-психиатр фаолият кўрсатади. Ногиронларга кўрсатилиши лозим бўлган руҳий ва ҳуқуқий тадбирларни психолог ва ҳуқуқшунос ҳамкорликда амалга оширади.

## МЕҲРЛАР ЖЎШГАН КУН

Конституциямиз қабул қилинган кун халқимиз учун катта байрам. Ана шу шодиёна арафасида биз яна бир санани – Халқаро ногиронлар кунини нишонлаймиз. Конституциямизда аҳолининг мададга муҳтож қатламини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишининг кафолатлаб қўйилганлиги халқаро майдонда унинг нуфузини янада оширди.

Қомусимизда қайд этилган ҳуқуқлар амалда исботини топмоқда. Халқаро ногиронлар кунида бу бор бўйи билан намоён бўлди. Республикамизнинг турли жойларида шу муносабат билан байрам шодиёналари, бадиий кечалар, дилкаш учрашувлар ўтказилади. Шундай тадбирлардан бири Тошкент вилоятининг Қибрай шаҳарчасида жойлашган вилоят руҳий-анамал гўдак болалар уйида жуда мазмунли ва байрамона руҳда ўтди.

Шу куни болажонларнинг юз-кўзларида балқиган севинч ва шоду хуррамликни тасвирлашга тил ожиз. Чиройли ва оҳорли либосларга бурканиб олган ўғил-қизлар қўл ушлашиб давра қуришиб, шеър-қўшиқ айтдилар, капалакдек чарх уриб, рақсга тушдилар. Буларни кўриб йиғилганлар кўнгли чоғ бўлди. Хуллас, бош шифокор Гулнора Тўхтаназарова бошчилигида мураббий ва шифокорлар тадбирнинг мароқли ва эсда қоларли ўтиши учун бор куч-ғайратларини аямадилар. Шу ўринда Р. Буянова, З Мусаидова, З. Акимова каби тарбиячиларнинг, мусиқа мураббийси Г. Баҳромованинг тарбияланувчиларни кичик саҳнага тайёрлаш учун кўп тер тўкишганини алоҳида таъкидлаш керак.

– Дунёда болаларга қувонч бахшида этишдан ҳам ортиқ бахт бўлмаса керак, – дейди бош шифокор Г. Тўхтаназарова. – Ногиронлигини унутиб, завқ-шавқ билан ўйнаётган болажонларни кўриб, рости, биз катталарнинг ҳам юрагимиз ларзага келди.

Шодиёна байрам туҳфаларини улашиш билан поёнига етди. Оталиқ ва ҳомий ташкилотлар кичкинтойларга аталган совға-саломларини тарқатишди.

**Нафиса НОСИРОВА,**
**Тошкент вилояти руҳий-аномал гўдак болалар уйи тарбиячиси.**

## ШУКРОНАЛИК

Шаҳрисабз ижтимоий таъминоти бўлимига Раҳматилло Ҳайитов раҳбарлик қилади.

– Ёлғиз қарияларимизга ижтимоий таъминот бўлими ходимлари доимо ёрдам кўрсатиб келишади. Кексаларимиз уларнинг хизматидан мамнун, – дейди ижтимоий таъминот ходими Дилором Абдуллаева. Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал. Юринг, мен уларнинг хонадонларига олиб бораман. Ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Биз опа билан ёлғиз қарияларнинг хонадонларида бўлдик. Отахону онахонларнинг шукроналик сўзларини эшитдик. Қариялар ижтимоий таъминот ходимаси Лобар Раҳимова ва маҳалла котиби Саида опалардан хурсанд эканлигини мамнуният билан таъкидлашди. Ёлғизлардан Даврон бобонинг ҳаракати бизни таажжубга солди. Бобонинг кичкинагина боғи бор.

– «Ҳаракатда – баракат» – дейишади, – дейди бобо. Ҳукуматимиздан ҳеч қачон нолимайман. Ҳамма нарсам етарли. Ҳолимдан хабар олиб туришибди. Озиқ-овқат билан таъминлашади. Электр энергияси, газ, ҳатто ер солиғидан ҳам озод қилишган. Фақатгина шукур қилиш керак.

Шаҳардаги «Турон» уй-жой мулкдорлар ширкати ёлғиз қолган қарияларни уй-жой тўловларидан юз фоиз озод қилишиб, хайрли ишга қўл уришган. Жорий йилда 18 нафар қарияга сиҳатгоҳга йўлланмалар берилди. Кўзойнак, эшитиш мосламаси, қўлтиқ таёқ ва ҳассага муҳтожлар таъминланди. Уй-жой таъмирига муҳтожларга ёрдам берилди.

**Хонбиби МАҲАМОВА.**

# ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧИНЧИ РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Республикамиз аҳолиси ва даволаш профилактика муассасаларини маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган сифатли дори-дармон ҳамда тиббиёт воситаларига бўлган талабини қондириш, истеъмолчилар билан шартномалар тузиш ҳамда фармацевтика саноатини ривожлантириш борасида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш мақсадида, «Ўзфармсаноат» Давлат Акциядорлик концерни томонидан 2000 йилдан бошлаб ҳар йили Дори-дармон воситалари ва тиббиёт эҳтиёжидаги маҳсулотлар Республика Ярмаркаси ўтказиб келинмоқда.

Биринчи республика ярмаркаси мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган дори-дармон препаратлари, субстанциялар, ёрдамчи воситалар, тиббиёт техникаси ва бошқа тиббиёт эҳтиёжидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 30 дан зиёд корхона ва дестрибьютерларни умумлаштирган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони қарийб икки бараварга кўпайди. Жорий йилнинг 27-29 ноябрь кунлари анъанавий



бўлиб қолган «Фармация-2002» учинчи республика ярмаркасида 50 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ва савдо фирмалари иштирок этдилар. Ушбу ярмаркада иштирок этиш учун биринчи марта МДҲ давлатлари фармацевтика компаниялари таклиф этилди.

«Ўзфармсаноат» ДАК фармацевтика соҳасидаги ҳудудлараро муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ушбу ярмаркани ўтказишга катта аҳамият бермоқда. Ярмаркада барча вилоятлар фармацевтика ва тиббиёт ходимлари билан самарали иш олиб боришлари учун қулай шароит яратилиши мақсадида, ярмарка иш кунлари вилоятлар аро уч кунга бўлиниб, бевосита белгиланган ҳудудларда фаолият кўрсатаётган фармацевтика ва тиббиёт ходимлари иштирок этдилар.

Ярмаркада Ўзбекистон Республикасидаги ва МДҲ давлатларидаги корхоналар ўзларининг дори-дармон препаратлари, субстанциялари, вакциналар, зардоблар, тиббиёт эҳтиёжидаги маҳсулотлар ва бутловчи материалларни намойиш этдилар. Фармацевтика маҳсулотларини рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш борасида маслаҳатлар бериш, фармацевтика саноатига тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлар билан танишиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг стенди ҳам фаолият кўрсатди.

Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бир қаторда ярмаркада фармацевтика соҳасидаги «Ноу-хау» бўйича илмий ишлар, дори-дармон хом ашёлари, моддий-техника ресурслари, жиҳозлар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш ҳақидаги таклифлар ҳам намойиш этилди.

Ярмаркада «Ўзфармсаноат» ДАК таркибий тизимига кирувчи барча корхолналар фаол иштирок этдилар, булар дори-дармон препаратлари ишлаб чиқарувчи энг йирик корхоналардан бўлган «Ўзкимёфарм» ОАЖ, вакцина ва зардоб ишлаб чиқарувчи «Ўзбиофарм» ОАЖ, турли дори-дармон шаклларини ишлаб чиқарувчи (таблеткалар, суртма дорилар, тиндирмалар, венага юборилувчи инфузион эритмалар ва ҳ.к) «Лечивафармсаноат», «Корфармсаноат», «Сурхан-Аджанта ЛТД», «Ўзфармакер», «Гуфик-Авиаценна», «FPI-Ташкент», «Трейдингфарм», «Нобель-Фармсаноат», «Таш-Тамед-Фарма», Ўрта Осиё минтақасида ягона тиббий шиша идишлар ишлаб чиқарувчи «Фарм-Гласс», бир марта фойдаланиладиган шприцлар, инфузион ва қон қуйиш системаларини ишлаб чиқарувчи «Медиз», жарроҳлик тикув материаллари ишлаб чиқарувчи «Кетгут-Силк» қўшма корхоналари ТошВЗИТИ ва ЎзКФИТИ илмий-тадқиқот институтлари, илмий изланишлар самараси бўлган дори-дармон препаратлари ва ҳаётий муҳим дори-дармонлар ишлаб чиқаришда ўта зарур бўлган субстанцияларни намойиш этдилар.

Ярмаркада иштирок этган «Доривор ўсимликлар» МЧЖ доривор ўсимликларни ўстириш ва тайёрлаш билан шуғулланади. Унинг хом ашёларидан бугунги кунда «Галеника» ШКда ўсимликлар асосидаги 20 дан ортиқ турдаги дори-дармон препаратлари ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур ярмаркада «Ўзфармсаноат» ДАК тизимидаги корхоналардан ташқари Берлин Хеме (Германия), «Интер Глобе» (Покистон), «Доктор Абиди» (Эрон), «Лек» (Югославия), «Иннотек Интернейшнл» (Франция), «Фест Фармасьютикал» (Покистон) сингари хорижий фармацевтика компаниялари, шунингдек, фармацевтика ва тиббиёт фирмалари бўлган «Самсунг Ташкент» Фарма КК», «Фармед» ХК, «Жўрабек лабораториес ЛТД», «Ассель ХКК», «Ниҳол», ИИЧК, «Супромед» ИИЧФ, «Саверс Импекс» ҚК (Бухоро) ва бошқа хусусий тадбиркорлар қатнашдилар.

Россия Федерациясининг «Ромако» ва «Фармакон» компаниялари ярмаркада биринчи марта иштирок этдилар. Компаниялар томонидан барчага маълум дори воситалари билан бир қаторда янги препаратлар ҳам намойиш этилди.

Ярмаркада 500 дан ортиқ дори дармон ва тиббиёт эҳтиёжидаги маҳсулотлар кўргазмага қўйилди.

Мазкур ярмарка иштирокчилари дори-дармон препаратлари, тиббиёт эҳтиёжидаги маҳсулотлар ва тиббиёт техникаси сотиб олиш бўйича шартномалар тузадилар, тажриба алмашиш ва ишончли шериклар топиш имкониятига эга бўлдилар.



**Фахриддин Сагдуллаев – «Ўзкимёфарм» акционерлик жамиятининг тижорат ишлари бўйича раис ўринбосари.**

– Мана уч йилдирки, ярмаркада иштирок этиб келмоқдамиз. 150 тадан ортиқ дори воситалари ва тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Тайёрлаётган хом ашёларнинг 90 фоиз ўзимизнинг маҳаллий хом ашёлардан тайёрланади. Айниқса, бизнинг бугунги кундаги ютуғимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни Озарбайжон, Россия, Қозоғистон давлатларига экспорт қилаяпмиз. Бундан ташқари Республикамиздаги тиббиёт муассасалари билан шартномалар асосида фаолият олиб бормоқдамиз. Уч кун давом этган ярмаркада кўплаб ташкилотлар билан шартномалар тузишга муваффақ бўлдик. Ана шундай ярмаркаларнинг ўтказиб турилиши, иш фаолиятимизга янада муваффақиятлар олиб келишига ишончимиз комил. Чунки кўз билан кўриб хулоса қилган бошқача деганларидек, мижозларимиз билан 3 кун давомида ҳамкорлик асосида ишлаш мақсадларини келишиб олдик.



**Дурягин Сергей Николаевич – директор по маркетингу ОАО «Фармакон» Химико-фармацевтический завод *(Санкт–Петербург).***

Сейчас возникает потребность в налаживании экономических отношений между Узбекистаном и Россией. И данная ярмарка пришлась очень даже кстати. Считаю, что все 3 дня нашего пребывания здесь будут очень плодотворными. Мы возлагаем большие надежды на развитие торговых отношений с Узбекистаном. Наряду с другими производителями, мы представили около 40 наименований готовых лекарственных средств. Перед нами открывается широкое поле для реализации новых проектов, и надеюсь, первое участие будет, не единственным.



**Саидаҳрор Бузурхонов – ДАК «Ўзфармсаноат» «Галинка» шўъба жамиятининг директори.**

– Фаолиятимизни бошлаганимизга икки ойгина бўлган бўлсада, ўз мижозларимизга эга бўлаётганлигимиз ишларимиздаги сифат ва самарадорликни янада оширмоқда. Бизда асосан, 25 турдан ортиқ тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 100 фоиз маҳаллий хом ашёлардан олинади. Тайёрланаётган маҳсулотларимиздан эритмалар, тиндирмалар, малҳамлар арзон ва сифатлилиги жиҳатидан аҳолига ниҳоятда қўл келмоқда. Ярмарка ўтказилишининг аҳамияти шунда бўлдики, республикамиздан ташриф айлаган тиббиёт ходимлари излаб юрган дори воситалари ва тиббиёт маҳсулотларига шу ернинг ўзида шартномалар тузиб олдилар. Демак, халқимиз талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда иш тутсаккина хом ашёларимизнинг сифат ва самарадорлигига эришишимизга шак-шубҳа йўқ.



**Кодряну Николай Петрович – руководитель направления Fryma Koruma *(Москва).***

На ярмарке, организованной ГАК «Узфармсаноат» участвуем впервые. Я очень рад, что нас пригласили. Мы занимаемся поставкой оборудования по выпуску лекарственных препаратов, имеем представительство в Москве, сотрудничаем с 14 российскими заводами. Вот теперь у нас появилась возможность для работы на узбекском рынке. Мы уже заключили несколько контрактов с местными производителями.

Самарканд, где мы побывали несколько ранее, оставил неизгладимые впечатления. Меня поразили величие и красота исторических памятников, богатая культура, а ваш народ поистине гостеприимный и дружелюбный. Надеюсь на дальнейшее тесное сотрудничество.



**Иброҳим Шодиев – Ўзбекистон – Буюк Британия «Фарм Гласс» қўшма корхонасининг менежери.**

– Корхонамизда тиббиёт флаконлари ишлаб чиқарилади. Албатта, бундай нозик тайёрланадиган идишларни сифатли чиқариш ходимларимиздан ўта масъулият талаб қилиши турган гап. Шу боис, ҳар бир ходимимиз ўз ишларига масъулиятан ёндошиб, 25 турдан ортиқ тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар. Кўплаб ташкилот корхоналар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Бу борада маҳсулотларимизни Қозоғистон Республикасига экспорт қилдик. Янги йилдан кейин турли хилдаги тиббий ампулалар ишлаб чиқариш режаларини тузиб қўйибмиз. Мақсад, фаолият доирамизни кенгайтириб, халқимиз саломатлиги учун қўлланилиши керак бўлган тиббиёт маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш ва сифат даражасини кўтариш.

**Саҳифа материалларини И. СОАТОВА, Ш. СОБИРОВА, Х. РАББАНАЕВлар тайёрлашди.**

***Суратлар муаллифи А. НУРАТДИНОВ.***

**ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ ИНСТРУМЕНТЫ И РЕАГЕНТЫ К НИМ**

*от двух мировых лидирующих производителей:*

**Рош Диагностика (Германия)** Roche **Сисмекс (Япония)** Sysmex

Биохимический анализатор/реагенты
Иммунологический анализатор/реагенты
Анализаторы электролитов и газов в крови
ПЦР и молекулярная диагностика
Анализаторы мочи/реагенты
Анализаторы коагуляции/реагенты
Измерительные приборы глюкозы/стрип-полоски
Гематологический анализатор/реагенты

*GOBAS INTEGRA ® 400*



*GOBAS ® CORE II*



**У нас имеется сертифицированный инженер, который обучался у специалистов Рош Диагностика. Вы можете получить подробную информацию, проконсультироваться и выбрать отпимальный вариант у официального и эксклюзивного дистрибьютора Рош Диагностика (Германия) и Сисмекс (Япония) в Узбекистане «АГАТА ИМПЕКС ЛТД»**

*Узбекистан, Ташкент, 700000, ул. Шахрисабзская, квартал Ц-1Б*
*Тел: (+99871) 1330500, 1360784 Факс: (+99871) 1367902 E-mail: jayanta@agatagroup.com*

# Цитомегаловирусная инфекция

К современным тенденциям клинической медицины относится широкое распространение вирусных заболеваний, среди которых важное значение принадлежит цитомегаловирусной инфекции (ЦМВИ). Заболеваемость ЦМВИ среди взрослых и детей возрастает из года в год. В США у 1-2% всех новорожденных ЦМВИ определяют в моче уже при рождении. К первому году жизни количество инфицированных детей увеличивается до 10-20%, к 35 годам жизни 40% взрослых имеют антитела к ЦМВ, а к 50 годам почти все взрослые люди серологизитивны к ЦМВИ.

Европейским региональным бюро ВОЗ ЦМВИ отнесена к группе болезней, которые определяют будущее инфекционной патологии. Возбудителем цитомегалии является вирус Cytomegalovirus hominis. Известны три штамма ЦМВИ, которые этиологически значимы для человека. ЦМВИ (перевод с греческого – cutus – клетка; megas, megalus – большой; с латинского – virus – яд). В настоящее время, в условиях иммунодефицитных состояний организма, ЦМВИ является одной из наиболее частых причин воспалительных заболеваний половых органов у мужчин и женщин, осложненного течения беременности, внутриутробного инфицирования, врожденной патологии плода и новорожденного, развития патологии в родах и послеродовом периоде.

Источниками инфекции могут являться хронические носители ЦМВИ или больные с различными вариантами ЦВМИ. Передача вируса происходит через биологические жидкости: кровь, мочу, слюну, слезную жидкость, отделяемое носоглотки, спинно-мозговую жидкость, грудное молоко, околоплодные воды, цервикальный канал и вагинальные выделения, сперму и фекалии. Вышеперечисленные факты подтверждают многочисленные пути заражения и легкость инфицирования вирусом цитомегалии. Особое значение цитомегаловирусная инфекция приобретает в акушерстве-гинекологии и андрологии. ЦМВИ может являться причиной бесплодия, невынашивания беременности, врожденных пороков плода, мертворождений или рождения нежизнеспособных детей.

Через инфицированные родовые пути ЦМВИ передается в 10 раз чаще, чем через плаценту. Беременность при ЦМВИ протекает обычно с осложнениями, такими, как синдром задержки развития плода, недостаточность кислорода, кровотечения во время беременности, родов и послеродовом периоде и др. Обнаружение ЦМВИ не означает развитие заболевания. В большинстве случаев формируется бессимптомное вирусоносительство, которое не вызывает никаких субъективных жалоб или объективных клинических признаков. У ЦМВИ нет своих специфических нозологических границ, т. е. нет «собственного клинического лица» – в этом одна из существенных трудностей диагностики.

Диагностика ЦМВИ должна включать:

1. Выявление пациенток, в прошлом болевших хроническим бронхитом, пневмонией, миокардитом, перенесших гепатит, а также женщин с частыми воспалительными процессами и имевших неразвивающиеся беременности и детей с детским церебральным параличом.

II. Специфические методы исследования ЦМВИ.

**1. Вирусологический метод.** Исследуется кровь, отделяемое из влагалища, слюна, моча, амниотическая жидкость. Достоверным законом является наличие в крови ЦМВИ.

**2. Цитологический метод.** Доступный, но его чувствительность низкая (50%).

**3. Сероиммунологический метод.** Обнаружение в исследуемом материале специфических антител – чаще это ИФА (иммуноферментный анализ). Его чувствительность – 95%

С учетом возможной гипердиагностики при выявлении ЦМВИ заключительный диагноз должен быть верифицирован не менее чем двумя методами. Лечение ЦМВИ представляет собой определенные трудности. Препараты, которые оказывают подавляющее действие на ЦМВИ, высоко токсичны и не могут применяться во время беременности. Применяются также специфические антицитомегаловирусные иммуноглобулины, но их недостатком является дороговизна. Широкое применение получили препараты интерферогоногены и чистые интерфероны. К числу наиболее приемлемых индукторов интерферона относится препарат Виусид, возможность применения которого не ограничивается возрастом, в том числе у новорожденных, а также их могут принимать беременные женщины.

Виусид имеет широкий спектр клинических эффектов:

- иммуномодулирующий;
- противовирусный;
- противовоспалительный;
- усиливает выработку интерферона;
- защищает печеночные клетки;
- стимулирует кроветворение;
- улучшает обмен веществ на клеточном уровне;
- имеет общеукрепляющий эффект.

Преимуществом Виусида является безвредность при его длительном применении, он уменьшает нервную возбудимость, головную боль, депрессию. В нашей клинике накоплен большой опыт работы с препаратом Виусид в области акушерства, гинекологии, андрологии, терапии, дерматологии.

Виусид зарекомендовал себя качественным и приемлемым для многих пациентов препаратом.

**Л. Н. ТВЕРДИКОВА,**
**канд. мед. наук, врач-гинеколог, I-ТашГосМИ.**

*Специалист советует*

# ВИРУСНЫЕ БОРОДАВКИ

Это антропонозная вирусная инфекция с контактным механизмом передачи возбудителя. Характеризуется папилломатозными образованиями на коже и наружных слизистых оболочках.

Возбудителями являются ДНК-содержащие папилломы - вирусы (некоторые типы из которых ассоциируются с развитием рака шейки матки, с образованием бородавок наружных половых органов и кожи.

Вирусы папилломы человека (ВПЧ) вызывают инфекцию аногенитальной области. Примерно у 95% больных раком шейки матки определяются ДНК-вирусы типа ВПЧ-16. Ранее считалось, что основным путем заражения вирусом папилломы человека являлся половой путь. Однако исследования девственниц и детей, т. е. сексуально неопытных слоев населения, у которых был обнаружен ВПЧ, опровергло данную точку зрения.

Верятно заражение при прохождении через родовые пути, восходящая инфекция через поврежденные амниотические оболочки, горизонтальное распространение вируса от родителей.

Маловероятным считается путь заражения через предметы и одежду, при грудном вскармливании, через кровь.

Период, в котором происходит заражение, является период наличия бородавок у человека. Заражение происходит через непосредственный контакт между наружными покровами зараженного и незараженного человека, при половом акте.

Кожные бородавки чаще бывают у детей, на слизистых оболочках бородавки встречаются у взрослых мужчин и женщин, активно живущих половой жизнью.

Инкубационный период от 1 до 20 месяцев (чаще 2-3 мес.).

Различают бородавки обычные, плоские (на слизистой рта), подошвенные, остроконечные кондиломы (в области кожно-слизистой границы вагины, в борозде головки полового члена, в области ануса).

Данную вирусную инфекцию необходимо лечить, особенно если планируется беременность. Основной компонент лечения – специфический противовирусный препарат ацикловир (зовиракс). Уменьшает вероятность рецидива вирусных бородавок местное введение препаратов интерферона.

Одним из новых препаратов, активно применяемых при данной пантологии, в настоящее время является Эпиген-лабиаль, Эпиген-интим (производитель Cheminova Internasional S.A. Испания). Данный препарат является препаратом растительного происхождения и не дает побочных эффектов. Эпиген оказывает быстрый лечебный эффект, безопасен при длительном применении. Имеет нейтральную pH (что очень важно для сохранения кислотности влагалища) и не раздражает слизистые оболочки и кожу, может применяться для лечения беременных и детей. Для полного клинического излечения достаточно в течение 7-10 дней применять Эпиген-интим 6-7 раз в день.

При обнаружении вируса папилломы человека необходимо раз в полугодие обследоваться на наличие патологии шейки матки, делать кольпоскопию и урологическое исследование. При выявлении патологии – удалить ее хирургическим путем.

**И. В. ЩЕХОВЦОВА,**
**канд. мед. наук.**
**Центральная консультативная диагностическая поликлиника Юнусабадского района.**

*Здоровое поколение — будущее нации*

# ЗДОРОВЫЙ РЕБЕНОК ОТ ЗДОРОВЫХ РОДИТЕЛЕЙ

Наверное, у каждого поколения в определенный момент бытия наступает своеобразный катарсис – самоочищение, в котором и боль осознания человеческих пороков, но и оптимизм врача, вскрывающего опасный гнойник.

Существует немало вещей, способных разрушать как личность отдельного человека, так и общество в целом изнутри.

Мы должны говорить о болезнях, угрожающих здоровью нравственному и физическому.

Первой «открытой» темой стала проблема пьянства.

Специалисты подсчитали, что каждый новый литр на душу населения в год дает прибавку в 0,3% дефективных детей – дебилов, психопатов, полуслепых или даже совсем слепых, тугоухих или даже вовсе глухих, с плохой координацией движений, с различными другими физическими изъянами и т. п. Происходит это тремя способами: так называемым «пьяным зачатием», потреблением матерью алкоголя в период кормления ребенка грудью – примерно с теми же результатами; наконец, атмосферой диких скандалов на протяжении первых месяцев и лет жизни ребенка, когда он, даже будучи первоначально более или менее нормальным, постепенно превращается в психопата. Учеными обследованы 1000 умственно отсталых детей с врожденными аномалиями, в 471 случае – алкоголизм у отца, в 84 случаях – мать принимала алкоголь, в 65 случаях – принимали алкоголь оба родителя. Обследованы 215 семей, где родители алкоголики и пьяницы. Результаты таковы: 37 недоношены и погибли, 16 мертворожденных, 121 умер в младенчестве, 38 физически ущербны, нетрудоспособны, 55 с ослабленным иммунитетом к болезням (вскоре после рождения заболели туберкулезом и другими тяжелыми инфекционными заболеваниями), 145 психически ненормальны.

У всех детей (мы подчеркиваем — У ВСЕХ ДЕТЕЙ!), родившихся после 6-8 лет пьянства отца, отмечалась умственная отсталость, этих детей обучают только в специальных школах для умственно отсталых или физически ущербных. Перемножьте эти тысячи на десятилетия. Разве это не людские потери для общества? Не говоря о детях, которые вообще не в состоянии учиться и висят долгими годами и десятилетиями тяжким грузом на семье, на обществе. Некоторые дети попадают в обычные общеобразовательные школы, но с ослабленными умственными способностями, оказываются не в состоянии угнаться за нормальными сверстниками, зачастую вообще не в состоянии одолеть курс учения. Коль существует такая проблема дефективных детей, от которых вряд ли можно ожидать недефективного потомства; создается угроза генофонду нации, народа, т. е. самому качеству будущих поколений, будущего населения страны.

Поговорим о вреде курения. Наряду с алкоголем и никотин широко распространен в быту, что и определяет большое социальное значение курения родителей для здоровья будущих поколений. В организм никотин поступает в основном через дыхательные пути. Он легко растворяется в биологических средах организма, хорошо всасывается слизистыми оболочками и кожными покровами. Достаточно отметить, что, по данным мировой литературы, в настоящее время курит около 50 млн. женщин земного шара. Никотин оказывает разностороннее воздействие на организм, поскольку он содержит в своем составе ряд биологически активных веществ (метиловый спирт, пиридиновые основания, метиламин, простейшие амины, этилмеркаитан и др.). Токсическое действие никотина в основном проявляется на функции ЦН (возбуждение, сменяющиеся торможением), а также на деятельности ССС. Никотин влияет на дыхательный центр, способствуя повышению А/Д и учащению пульса.

Наиболее частым осложнением беременности у курящих женщин является преждевременное прерывание беременности. При обследовании работниц табачных фабрик обнаружено снижение числа беременностей и родов, учащение самопроизвольных выкидышей, а также содержание в молоке никотина у родильниц.

Никотин переходит через плаценту и может вследствие этого оказывать прямое токсическое действие на плод. Помимо этого, никотин способствует проницаемости плацентарного барьера и может тем самым усиливать отрицательное действие на плод токсических веществ, образующихся в организме матери при курении.

Курение оказывает отрицательное влияние на увеличение % мертворождаемости, асфиксии плода и новорожденного; у курящих женщин значительно более высок % перинатальной смертности.

Исследованиями отмечена разница в массе новорожденных у курящих и некурящих женщин. Учеными доказано неблагоприятное влияние курения не только на состояние детей при рождении, но и на их последующее развитие.



Специалисты из Бристольского университета (Англия) утверждают: курение во время беременности увеличивает в 2 раза шансы на рождение ребенка с низкой массой и на 1/3 – вероятность гибели плода. Каждая выкуренная сигарета увеличивает уровень поступающего к плоду карбоксигемоглобина на 10% и соответственно уменьшает количество доставляемого к нему $C_2$. В течение 11 лет этими специалистами было обследовано 13000 детей, матери которых курили во время беременности. В возрасте 11 лет такие дети отставали от своих сверстников в учебе, отмечалось также снижение показателей роста. Дети курящих матерей были больше подвержены респираторным и некоторым другим заболеваниям.

Отрицательное влияние курения на плод объясняется следующими моментами: ухудшением аппетита беременной, что влияет на обменные процессы в организме, сосудосуживающим действием никотина, что затрудняет переход питательных веществ через плаценту к плоду, прямым влиянием на плод тектонических продуктов табачного дыма и никотина, повышением содержания в крови угарного газа, что снижает процессы оксигенации фетальной крови.

Наркомания – «белая смерть». Волна наркомании «завладела» молодым поколением развитых стран, все больше жертв у «белой смерти» среди детей.

Проблема наркомании не может рассматриваться в отрыве от таких уродливых, теневых сторон жизни общества, как преступность, проституция, гомосексуализм. Новое страшное испытание для человека – СПИД – впервые заявило о себе в прямой зависимости с наркоманией.

Приблизительно 5 тысячелетий назад человек впервые ощутил на себе опьяняющее воздействие дыма высушенной конопли. Обыкновенная конопля – широко распространенное дикорастущее и культивируемое растение, одна из разновидностей конопли произрастает в Средней Азии.

В Северной Америке это растение получило название «марихуана» – от португальского «марижуанго» – «отравитель». По латыни «канобие» – конопля – означает петля, веревка. Несмотря на то, что свыше 5 веков мир знает о марихуане, только недавно было идентифицировано то действующее начало, которое вызывает выраженные, порой необратимые изменения в мозгу человека, употребляющего марихуану. Участившиеся случаи рождения дефективных детей у родителей, употреблявших марихуану, возбудили интерес к вопросу о влиянии «травки» на детородную функцию человека. Опасность рождения больных детей у родителей, употребляющих марихуану, увеличилась в 5 раз по сравнению с той же опасностью при алкогольной интоксикации беременной. Исследования показывают, что дым конопли оказывает заметное отравляющее действие на многочисленные органы и системы, на половую функцию человека.

У всех мужчин после продолжительного курения марихуаны в анализе семенной жидкости обнаруживали общее снижение концентрации сперматозоидов, огромное количество ненормальных, уродливых форм. У большинства мужчин наступают и импотенция, и бесплодие, т. к. снижается концентрация мужского полового гормона – ТЕСТОСТЕРОНА – в плазме крови.

При употреблении наркотиков дети, как правило, рождаются мертвыми или с уродствами, которые несовместимы с жизнью. У родившихся детей были симптомы задержки внутриутробного развития: малый рост, малая масса при рождении, маленькие размеры головы, нарушение неврологической симптоматики. Эти дети были «награждены» выраженными уродствами лица.

Мы говорим о марихуане, потому что, как правило, 90-95% всех наркоманов начинают свою карьеру именно с нее. Куда более серьезную опасность для человечества представляют синтетические наркотики, производство которых сейчас поставлено на широкую ногу.

Распространенность наркомании среди детей и подростков – беда огромного числа родителей.

В ряде стран, помимо употребления наркотиков, растет количество людей, употребляющих разнообразные летучие отравляющие вещества, всевозможные растворители, средства для химической чистки одежды, препараты для борьбы с насекомыми и грызунами.

Эти вещества при вдыхании их паров дают типичную картину отравления с соответствующими нарушениями деятельности ЦНС. После воздействия аэрозолей значительная часть клеток головного мозга отмирает. Поэтому каждое вдыхание или глотание препарата от клопов или мышей делает человека все менее похожим на человека. Именно мозг человека является основной мишенью для наркотиков и всевозможных снадобий. Установлено, что «неполадки» в деятельности ЦНС приводят к нарушению жизнедеятельности многочисленных органов и систем. Нарушения происходят буквально в каждом из органов, во всех системах. Рожденные от потребляющих наркотики дети уже от рождения являются наркоманами. Чем раньше приобщается человек к наркотику, тем гибельнее воздействие на его способность быть мужем, отцом, женой, матерью.

**Д. КАРИБАЕВА,**
**СВП Геофизика,**
**Кибрайский район.**

## Фаолиятлари давомида йўл қўйилган қонунбузарликлар учун лицензияларининг амал қилиши тугатилган юридик шахслар

### Р Ў Й Х А Т И

| № | Ташкилот, корхона, дорихона, муассасасининг номи ва манзили | Лицензия рақами ва берилган сана | Лицензия бериш хайъати қарорлари |
|---|---|---|---|
| 1 | «Бойчечак» хусусий дорихонаси – Андижон вилояти, Хўжаобод тумани «Иттифоқ» ж/х | П0553 25.03.99 й. | 31.10.2002 15-сон қарор |
| 2 | «Ҳусниддин» хусусий тиббиёт маркази дорихонаси – Самарқанд вилояти, Нарпай т-н, Мирбозор қўрғони. Бозор ҳудуди | 1.04.99 й. П-1188 | 31.10.2002 15-сон қарор |
| 3 | «Давлат А» хусусий фирма дорихонаси – Самарқанд вилояти, Самарақанд ш., Дахбет к., 24/11 | П2213 30.04.99 й. | 31.10.2002 15-сон қарор |
| 4 | «Бахтли келажак» хусусий фирма дорихонаси – Қашқадарё вилояти, Ғузор т-н, Ўзбекистон кўчаси, 95-уй. | № 1259 13.06.00 й. | 31.10.2002 14-сон қарор |
| 5 | «Турон» хусусий дорихона ва шахобчаси – Қашқадарё вилояти Яккабоғ туман, Хўжаилғор маҳалласи, Усмонов кўчаси | П-01860 лиц. 01 илова ДШ 0412 11.05.00 й. | 11.10. 2002 й. 14-сон қарор |
| 6 | «Байт» хусусий дорихонаси – Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз т-н. Мираки посёлкаси, Фурқат к., 54-уй | № 1416 30.08.00 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 7 | «Бахтиёр» хусусий дорихонаси – Қашқадарё вилояти Косон т-н, Пистали ж/х, Пистали қишлоғи | № 0324 8.06.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 8 | «Янгибой ота» хусусий фирма дорихонаси – Қашқадарё вилояти Ғузор туман, Яргунча қишлоғи | П-2264 30.04.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 9 | «Фаррух» хусусий дорихонаси – Қашқадарё вилояти Китоб т-н, Макрид қишлоғи, Зарафшон агрофирмаси | П-1842 14.04.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 10 | «Сино» хусусий фирма дорихонаси – Қашқадарё вилояти Нишон туман, Лохутий кўчаси | П-1858 14.04.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 11 | «Улуғбек» хусусий дорихонаси – Самарқанд вилояти, Каттақўрғон ш., Миралиев к., 4-уй | П-1155 1.04.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 12 | «Рассом» фирмаси – Самарқанд ш., Регистон к., 7-уй | №1356 27.07.00 й | 31.10.2002 й. 15-сон қарор |
| 13 | «Хондамир» кўп тармоқли хусусий кичик корхона дорихонаси – Самарқанд вилояти, Иштихон т-н, Навоий ж/х | 0289 8.06.99 й. | 31.10.2002 й. 15-сон қарор |
| 14 | «Меҳр» соғлом авлод дорихонаси – Сирдарё вилояти, Гулистон ш. | П 1963 26.04.99 й. | 11.10.2002 й 14-сон қарор |
| 15 | «Мирсодиқ» хусусий дорихонаси – Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон т-н, С. Бойматов ж/х, Янгиер қишлоғи | № 1342 27.07.00 й. | 31.10.2002 й. 15-сон қарор |
| 16 | «Мафтун» хусусий корхона дорихонаси – Тошкент ш., М. Улуғбек т-н, Ғуломов к., 10-уй | № 1410 30.08.00 й. | 31.10.2002 15-сон қарор |
| 17 | «Усмон» хусусий дорихонаси – Хоразм вилояти, Хазорасп туман, F. Ғулом к., 11-уй | П-0032 15.03.99 й. | 31.10.2002 й. 15-сон қарор |
| 18 | «Фируз» хусусий дорихонаси – Отабоев ж/х | № 0205 19.05.99 й. | 31.10.2002 й. 15-сон қарор |

## Фаолиятлари давомида йўл қўйилган қонунбузарликлар учун лицензияларининг амал қилиши 3 ой муддатга тўхтатилган юридик шахслар

### РЎЙХАТИ

| № | Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили | Лицензия рақами ва берилган сана | Лицензия бериш ҳайъати қарорлари |
|---|---|---|---|
| 1 | «Шифокор» кичик корхона дорихонаси – Сурхондарё вилояти, Олтинсой туман маркази | П 1330 1.04.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 2 | «Рустам али» хусусий дорихонаси – Сурхондарё вилояти, Шўрчи туман, Мустақиллик кўчаси | П 1269 1.04.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 3 | «Феруз» хусусий дорихонаси – Сурхондарё вилояти, Денов т-н, Отабоев ж/х, Тол қишлоқ маҳалласи | № 0205 19.05.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |

## Ўз аризаларига мувофиқ лицензияларининг амал қилиши тугатилган юридик шахслар

### РЎЙХАТИ

| № | Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили | Лицензия рақами ва берилган сана | Лицензия бериш ҳайъати қарорлари ва санаси |
|---|---|---|---|
| 1 | «Шамси» хусусий дорихонаси – Бухоро вил., Қўрғон ж/х | П 0575 25.03.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 2 | «Мисқол» хусусий дорихонаси – Фарғона вил., Марғилон ш., Холматов ., 51 | П 1362 1.04.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 3 | «Истиқлол» хусусий дорихонаси – Тошкент вил., Янгийўл ш., Самарқанд к., 171-уй | П 0664 25.03.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 4 | «Абдурауф Холида» хусусий фирма дорихонаси – Тошкент ш., Ю. Обод туман «Олой бозори» | П 0990 1.04.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 5 | «Бахтиёр» хусусий дорихонаси – Сирдарё вил., Янгиер ш., Ховост қўрғони, Яссавий кўчаси | № 1314 13.07.00 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 6 | «Малҳам» жамоа дорихонаси – Қашқадарё вил., Косон туман, «Темирхўжа» жамоа хўжалиги | П 1870 14.04.99 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 7 | «Муниса» хусусий фирма дорихонаси – Сирдарё вил., Гулистон ш. Деҳқон бозори, Навоий шох к., 1-уй | №1769 13.06.01 й. реестр-364-01 | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |
| 8 | «Мухтасар 129» мчж дорихонаси – Тошкент ш., М. Улуғбек т-н, Шаҳрисабз к., 33 а | П-2436 10.08.00 й. | 11.10.2002 й 14-сон қарор |
| 9 | «GULOROM» хусусий фирма дорихонаси – Тошкент ш., С. Раҳимов т-н, Ген. Ғофуров к., 67 б | № 1928 23.08.01 й. реестр 544-01 | 31.10.2002 й 15-сон қарор |
| 10 | «NILUFAR TIBBIY XIZMATI» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси – Тошкент ш. С. Раҳимов т-н, Тансиқбоев, 1-уй | №1175 20.04.00 й. | 31.10.2002 й. 15-сон қарор |
| 11 | «Дори-Дармон» ДАУ дорихонаси – С. Раҳимов т-н, Мирпўлатов кўчаси, 1 а | № 1300 29.06.00 й. | 11.10.2002 й. 14-сон қарор |

## Лицензияларининг амал қилиши қайта тикланган юридик шахслар

### РЎЙХАТИ

| № | Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили | Лицензия рақами ва берилган сана | Лицензия бериш ҳайъати қарорлари |
|---|---|---|---|
| 1 | «Муқаддас» хусусий дорихонаси – Бекобод шаҳри, С. Раҳимов кўчаси | П 0245 19.05.99 й. | 19.09.2002 й. 13-сон қарор |
| 2 | «Озода» хусусий фирма дорихонаси (шахобча) – Жума ш., Хайруллаев к., 4-уй | № 0312 8.06.99 й. | 31.10.2002 й. 15-сон қарор |
| 3 | «Мунисхон» хусусий корхона дорихонаси – Каттақўрғон ш., Шавқий к., 17/1 уй | П-1150 1.04.99 й. | 31.10.2002 й. 15-сон қарор |

## Устоз ва шогирд



# УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ

***Маълумки, айрим одамларнинг ҳаётда босиб ўтган умр йўллари, қилган ишлари, ўзидан қолдирган илмий, ижодий асарлари, мерослари авлодлар, айниқса ёшлар учун ниҳоятда ибратлидир. Шунинг учун ҳам уларнинг номи тириклик чоғларидаёқ, тарих саҳифаларига ўчмас, зарҳал ҳарфлар билан ёзишга арзигуликдир.***

***Бундай азиз ва табаррук зотлар сирасига таниқли олим, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳиби, Республикада хизмат кўрсатган тиббиёт ходими ва фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, уруш ва меҳнат фахрийси Носир Комилович Аҳмедовни ҳам киритиш мумкин.***

***Жамоатчи мухбиримиз Искандар Раҳмоннинг ушбу чизгилари муҳтарам устоз ва мураббий Носир Аҳмедов умр йўлида ташланган қисқа назардир. Келинг, олимнинг умр зарварақларидаги айрим саҳифалари билан танишайлик.***

Шу йилнинг сўнгги ойи – декабрда кенг жамоатчилик устозимнинг муборак саксон йиллигини нишонлар экан, фурсатдан фойдаланиб, минглаб шогирдлар ҳамда ҳамкасблари номидан устозни ана шу қутлуғ сана ҳамда илмий-мураббийлик фаолиятларининг 60 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этаман.

**– Дарҳақиқат, устоз, ҳаётда ҳамманинг ўз шахсий фикр, мулоҳазаси, фалсафаси бор, деганларидек, умр йўлингиз тўғрисида қисқача тўхталсангиз.**

– Жуда яхши, умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда. У худди оқар дарё ёки тушга ўхшайди, тез ўтиб кетади. Саксон йил айтишга осон фурсат. Кимларни кузатмадик, кимларни кутиб олмадик? Кимлар кўз олдимизда ўсиб, вояга етмади? Ўзимиз қайдин келдигу қайга кетяпмиз? Биздан келажак авлодларга арзигулик нима қолаяпти? Қараб турсам, яқиндагина ёш бола, ўсмир йигитча бўлган камина бугун саксонни уриб қўйибман! Бу ёшга етиш катта бахт! Аммо, зиммангга янада залворли масъулият юклайди, сени яна бир бор ҳаёт синови, ғалвиридан ўтказади, элак-элак қилади. Босиб ўтган ҳаёт йўлимга танқидий кўз билан боқсам, умримни сарҳисоб қилсам, нима иш қилишга улгирдиму, қайси орзу-ҳавасларимга эришдим, ёки эриша олмадим деб, ўз-ўзимга саволлар бераман. Очиғи, ҳаётимдан мамнунман. Қилган ишларимдан қилмаганларим бисёр экан.

Бу борада инсон хотираси нечоғлик азиз ва муқаддаслигини алоҳида таъкидламоқчиман. Зеро, ҳар доим ўтганларни ёд этиш, руҳларини шод этиш, тирикларни авайлаш, эъзозлаш бизнинг инсонийлик қарзимиз, раҳмонийлик фарзимиздир. Имоним комилки, фарзандларимиз, шогирдларимиз, келажак авлодлар ҳам бизни шундай эъзозлаб, бошига кўтаради, иззат-ҳурматимизни жой-жойига қўяди.

Худо берган ризқу насибамни териб, еб юрганим, бола-чақам билан қилган озми-кўпми меҳнатларимнинг наъшидасини сураётганим, эл-юртимга қўлимдан келганча фойдам тегаётганига беадад шукур қиламан.

1939 йили ишчилар шўъбасини тугатган Носиржон Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. 1942-43 йилларда Саратов шаҳридаги ҳарбий-тиббий академия тингловчиси бўлди. 1943 йилнинг февралида ҳарбий шифокор гувоҳномасини олган Носиржон тенгдошлари қатори иккинчи жаҳон урушига сафарбар қилинди. Эндигина 21 баҳорни қаршилаган Носиржон 2-Украина фронти таркибидаги ҳарбий-ҳаво десанти қўшинлари сафида мардонавор хизмат қилди, минглаб ярадорлар ва беморлар дардига малҳам бўлди. Бироқ, жанговар топшириқни бажариш вақтида юз берган фалокат туфайли ногирон бўлиб қолди. Парашютда сакраш пайтида унинг умуртқа поғонаси, кўкрак қафаси аъзолари қаттиқ шикастлангани боис узоқ вақт даволаниб, Тошкентга қайтди. Жанггоҳларда чиниқиб, тобланган Носиржон урушдан сўнгги тинч қурилиш йилларида ҳам тиниб-тинчимади, ҳали Мирзачўл, ҳали Тошкент шаҳридаги тиббий муассасаларда қизғин фаолият кўрсатиб, ўзининг ажойиб ташкилотчилик қобилиятларини намойиш этди. Андижон шаҳридаги тиббиёт институнининг ташкил этилиши, Тошкент давлат 1 ва 2-тиббиёт институтларининг ҳар томонлама гуллаб-яшнаши, тараққий этиши, ўқув ҳамда даволаш корпусларининг қурилиши, қолаверса ўқув жараёнининг замонавий усулда ташкил этилиши борасида катта жонбозлик кўрсатди. Айниқса, Носир Аҳмедов мудирлик қилган «Одам анатомияси» кафедраси жамоаси бўлажак шифокорларни ўқитишнинг 8 поғонали усулига кўчиб, мамлакатда илк бор кабель телекўрсатувлари, электрлаштирилган стендлар ва компьютерлардан унумли фойдаланди. Энг муҳими, Носир Комилович Аҳмедов ўзининг кўп йиллик ҳаётий билими ва тажрибаларини ишга солиб, 150 дан зиёд илмий мақолалар, 30 га яқин дарслик ва рисолалар, 20 га яқин ўқув қўлланмалари ёзиб, тиббиёт фани тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшди, кўплаб фан номзодлари ва докторларини етиштирди.

Ватан ва эл-юрт олдидаги кўп йиллик ҳалол меҳнати, иккинчи жаҳон уруши йиллари жанггоҳларда кўрсатган мардлиги ва жасорати, минглаб тиббиёт ходимларини етиштиришдаги фидокорона хизмати юксак қадрланган устозимизга узоқ умр, бахт-саодат, бардамлик тилаймиз.



## ХАЛҚ СОҒЛИГИ - ЮРТ БОЙЛИГИ

*Бухоро вилояти*

# МАҚСАДЛАР УЛКАН

**Тизимдаги ислоҳотлар аслида мустақилликка эришганимизнинг илк палласидан бошланиб, аҳоли соғлиғини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тиббий муассасаларни қишлоққа яқинлаштириш ва қишлоқ аҳолисини оммавий диспансер кўригидан ўтказиш, энг муҳими, тизимни экстенсив ривожлатириш йўлидан воз кечиб жадаллик билан такомиллаштириш, яъни беморларга қулай шароитлар яратиш, тиббий ёрдамнинг сифат ва самарадорлигига эътиборни қаратиб, даволашнинг энг қулай ва самарали усуллари бўлган бирламчи тиббий хизматни ривожлантириш ва ундан мақсадли фойдаланиш ҳисобига ижобий самараларга эришдик.**

Вилоят аҳолисининг асосий қисми 75 %дан кўпроғи қишлоқда яшаши, уларга тиббий ёрдам кўрсатадиган муассасаларнинг кўпчилиги эски, мослаштирилган биноларда жойлашган бўлиб, замонавий ташхис-даволаш асбоб-ускуналари, ноёб жарроҳлик анжомлари ҳамда аппаратлар билан жиҳозлашнинг имкони йўқлигини назарда тутиб аҳоли учун мақбул бўлган қишлоқ врачлик пунктлари, улар таркибида кундузги шифохоналар қуриш, янги услубда давогоҳлар учун амалиётчи шифокорлар ва олий малакали ўрта тиббиёт ходимлари тайёрлашнинг 1996-2005 йилгача бўлган режасини белгилаб, ишга киришгандик. Бугунги кунгача вилоятда ана шундай даволаш муассасасидан 288 таси фаолият кўрсатаётган бўлса, 56 таси намунавий лойиҳа асосида янгидан бунёд этилиб, 132 таси қишлоқ врачлик амбулаториялари ва фельдшер-акушерлик пунктларини кенгайтириб, мослаштириш ҳисобига ишга туширилди. Уларнинг деярли барчаси замонавий тиббий асбоб-анжомлар ва ташхис аппаратлари билан жиҳозланди. Қишлоқ врачлик пунктларида малакали таҳлил лабораториялар, кундузги шифохоналар, стоматология хонаси ҳамда физиотерапия муолажалари олиб бориладиган бўлимлар мавжуд.

Қишлоқ врачлик пунктларини қуриш, уларга замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва техникаси олиб келиш билан бир қаторда, ана шу даргоҳларда ишлайдиган амалиётчи шифокорлар ва олий малакали ҳамширалар тайёрлаш билан ҳам жиддий шуғулланяпмиз. Бир неча шифокор ҳамдўстлик давлатларида, юздан ортиқ киши Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида махсус режа асосида малака ошириш курсларида ўқишди. Юзлаб ўрта тиббиёт ходимлари Бухоро ўрта тиббиёт билим юртлари тиббиёт коллежларига айлантирилиб, Бухоро тиббиёт ходимлари ва доришунослар малакасини ошириш билим юрти тасарруфида малакаларини оширдилар. Бухоро ва Ғиждувон тиббиёт институти таркибида олий тоифали ҳамширалар тайёрлайдиган 3 йиллик курслар ташкил этилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, келажак авлод болаларининг соғлиғи биринчи навбатда аёлларнинг соғлигига боғлиқ. Шуни эътиборга олиб, Республика ҳукуматининг аёлларни соғломлаштириш Давлат дастури асосида аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг умумий соғлигини белгилаш, айниқса, туғруқ ёшидаги аёлларда экстрагенитал хасталиклар аниқланганда уларни алоҳида рўйхатга олиб, соғломлаштириш борасида вилоятимизда катта ижобий ишлар амалга оширилди.

«Соғлом авлод» Давлат дастуридаги 6 та йўналиш бўйича бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда вилоят ўсмирлар поликлиникаси, болаликдан туғма ногиронларни аниқлаш учун «Она ва бола» скрининг маркази, ёшларни турмуш қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш Бухоро шаҳар 2-сон поликлиникаси базасида йўлга қўйилди. Биринчи маротаба 6500 нафардан зиёд ёш оилалар диспансер назоратига олинди. Вилоятдаги ихтисослашган туғруқ комплексига «Болаларга дўстона муносабатда бўлувчи шифохона» халқаро сертификати берилди. Давлат дастури асосида Бухоро шаҳар шифохонаси ўрнида 255 ўринли Ўзбекистон Республикаси Шошилинч тиббий илмий марказининг филиали ташкил этилди. Хизматнинг бу тизимини жаҳон андозалари асосида йўлга қўйиш ва вилоятнинг барча аҳолиси шошилинч хизматдан баҳраманд бўлишини таъминлаш мақсадида 1 та Когон шаҳар ва 10 та туман марказий шифохоналари қошида 293 ўринли 11 та шошилинч-тиббий ёрдам бўлимлари – субфилиаллар ташкил этилди. Бугунги кунда халқимиз бундай шошилинч ёрдамлардан баҳраманд бўлмоқда.

2001 йилда 3161 та операция қилинган бўлса, 2002 йилнинг 9 ойида жами 2819 та операция қилиниб, натижалар муваффақиятли бўлган.

Ислоҳотларни амалга оширишда кадрлар билан ишлаш, уларнинг малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Вилоятда 45000 га яқин врачлар ва 17000 дан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Биргина 2002 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 518 та врач, 1676 та ўрта тиббиёт ходимлари ўз малакаларини оширдилар. Шу йил январь ойида вилоят ва туман марказий шифохоналарининг бош врачлари, санитария-эпидемиология марказлари бош врачлари эгаллаб турган лавозими бўйича шаҳодат комиссиясидан ўтказилдилар.

Ҳукуматимиз саъй-ҳаракатлари билан ички бозорни дори-дармонлар билан тўлдиришга бўлган талабни таъминлаш юзасидан зарур чора ва тадбирлар кўрилмоқда. Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари харид қилиш ва сотишда қонун бузилишларининг олдини олишда ҳукуматимизнинг «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди. Бозор иқтисодиёти шароитида қайси соҳада рақобат пайдо бўлса, шу соҳада ижобий ютуқларга эришилаётганлиги биз тиббиёт ходимларини ҳам завқлантиради. Тиббиёт соҳасида ҳам рақобат яратилиши даври келди. Бу асосан аҳолига кўрсатилаётган малакали тиббий хизмат сифатини яхшилашга кафолат бера олади. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоятга дори-дармонларни келтириш ва даволаш-профилактика муассасаларига сотиш 2002 йил октябрдан бошлаб ташкил этилган тендер усулида амалга оширилмоқда. Бу усул дори-дармонларни талаблар асосида ўз вақтида етказилиши, арзонлиги билан қулай келмоқда.

Давлат дастурида алоҳида тиббий хизматни ташкил қилишда давлат тиббий муассасалари билан бир қаторда нодавлат, давлат тасарруфидан чиқарилган турли фирма ва жамоа хўжалиги қошидаги хусусий шифохоналар, якка тартибдаги врачлар фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бугунги кунга қадар вилоятимизда 69 та муассаса давлат тасарруфидан чиқарилди. 28 та хусусий кичик корхона фаолият кўрсатмоқда, якка тартибда хусусий тиббий фаолият юритиш учун 492 шифокорга лицензия берилган.

Ислоҳотни такомиллаштириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни замон талаблари даражасида ташкил этиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом авлод камолоти, тиббиётни хусусийлаштириш ва тиббиёт хизмат маданиятини кўтариш аҳоли саломатлигини тиклаш бўйича бошлаган ишларимизни давлат дастури талаблари асосида давом эттириб келмоқдамиз. 2002 йилда янги қурилиш ва қайта таъмирлаш ҳисобидан яна 7 та ҚВП ташкил этилди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Бу йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши тиббиёт ходимлари зиммасига кекса авлодга бўлган эътиборни янада кучайтириш масъулиятини юклади. Шу муносабат билан вилоятимиздаги барча кексалар тўла чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик натижасида аниқланган беморларни амбулатория-поликлиника шароитларида, стационарларда ҳамда санаторий-курорт муассасаларида даволаш ва соғломлаштиришга эришилмоқда. Қарияларга кўрсатилаётган тиббий хизматни яна ҳам яхшилаш мақсадида барча қарияларга тиббиёт ходимлари бириктириб қўйилган ва ҳафтада бир марта уларнинг ҳолидан хабар олиб турилибди.

«Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-5-моддаларига биноан 2002 йилда вилоятда ДОТS дастури тўла жорий этилди. Аҳоли ўртасида гиёҳвандлик билан рўйхатга олинаётган беморлар сони ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган профилактика ишлари кучайтирилди. Вилоятимиз олий ўқув юртларида Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган 10 соатлик «Гиёҳвандликнинг оқибати», СПИД ва таносил касалликлар профилактикаси мавзусида ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг вакиллари, ОИТС ва саломатлик марказлари врачлари томонидан гиёҳвандликнинг олдини олиш мавзусида маъруза ва суҳбатлар уюштирилди. Бухоро вилоятида аҳоли ўртасида йод танқислиги касаллиги анча кўп учрайдиган касаллик ҳисобланади. Айниқса ўсмирларнинг 60 % га яқини, катта ёшдагиларнинг 40 % йод танқислиги касаллиги билан касалланган. Шунингдек 2-3 даражали эндемик зоб касаллиги аҳолининг 6-8 % да учрайди. Ушбу касалликларнинг келиб чиқишининг асосий сабаби озиқ-овқат маҳсулотлари, тупроқ ва бошқа маҳсулотларда йод етишмаслигидир. Вилоят ҳокимининг 2000 йил 20 апрелдаги 58-сонли фармойиши қабул қилинган бўлиб, унда вилоят аҳолисини сифатли, йодланган ош тузи маҳсулотлари билан таъминлаш белгиланган.

Мазкур тадбирнинг мунтазам олиб борилиши натижасида вилоят ҳудудига келтирилаётган ош тузларининг сифат назорати кучайтирилиб, дўконларда йодланган ош тузлари сотилиши йўлга қўйилган. Шу билан бир қаторда асосан оштузлари махсус лицензияси бўлган «Орзу», «Темпо», «Хўжаикон», «Навоиазот» корхоналаридан шартномалар бўйича келтирилиб таъминланмоқда. Олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамасдан кичик дўконларга айрим ҳолларда йодланмаган ош тузларини келтириш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан савдо дўконларида ош тузининг сифатини текшириш бўйича текширувлар ўтказилди. 2002 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 534 та ош тузидан намуналар олиниб текширилди. Шулардан 188 тасида ёки 12000 кг. ош тузида йод элементи йўқлиги аниқланиб, савдодан четлаштирилган. Шу билан бир қаторда йод танқислиги касаллигига қарши чора-тадбирлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ҳам амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мактаб ўқувчилари, мактабгача муассасалар тарбияланувчилари, ҳомиладор аёллар учун 3 минг флакон антиструмин, 2800 флакон йодид, 5 минг флакон эутрокс препаратлари тарқатилди. Ёз фаслида болалар оромгоҳларида дам олишга келган барча болалар чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, бепул антиструмин препарати билан таъминланди. Вилоят аҳолисини сифатли йодланган ош тузлари билан таъминлаш ишлари давом этмоқда.

**Ҳ. ТОШОВ,**
**Вилоят ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.**

# ВАҚТ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ



## Шошилинч тиббий ёрдам

**Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг асосий қисми шошилинч тиббий хизматни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу хизмат тури тиббиёт ходимларидан беморга зудлик билан ёрдам кўрсатишни, уни қисқа вақт ичида даволаб, соғлом ҳаётга қайтаришни талаб этади.**

Ҳар бир соҳада вақт муваффақият гарови. Шундай экан, беморни йиллаб даволаш ёки унинг ўзи шифохонада узоқ ётиши ҳар икки томонга ҳам наф келтирмайди. Давр шифокордан тезкорликни талаб этаяпти. Одамлар эса: «бемор бўлиш» зарар, моддий ва руҳий изтироб эканлигини англаб етган ҳолда, ҳар ким ўз саломатлиги ҳақида ўзи қайғуриши керак деган ўй билан яшай бошладилар. Бугун бемор бўлаётганлар атайлаб ишдан қочиш ёки шифохонада бир-икки ой дам олиш учун «ёлғон касал» бўлиб ётгани йўқ. Ваҳоланки, боқимандалик тузумида бир пайтлар шундай касаллар сони кўпчиликни ташкил қилар эди. Одамлар ақли, қобилияти, билими ва меҳнати билан ўз ҳаётини яхшилаш, яратиш имкониятига эга бўлдилар. Шахмат ўйинига ўхшаш ҳаёт ўйинида ҳам ғолиблик ва мағлубият бир-бири билан доимо куч синашади. Ана шу ҳаёт ўйинида инсон оқ-қора йўлларни босиб ўтади. Зиддиятли, тўқнашувли, хавотирли, эҳтиётсизлик чораси кўрилмаган кўнгилсизликлар оқибатида бемор бўлаётганлар шошилинч тиббий ёрдам марказларига келтирилмоқда.

Хизмат сафари билан Бухоро шаҳар шифохонаси ўрнида 255 ўринга мўлжаллаб, қайта таъмирланган шошилинч тиббий ёрдам марказида бўлдик. Директор ўринбосари Индира Абдуллаева бизни очиқ чеҳра билан қарши олди:

– Марказимизда реанимация, шошилинч кардиология, қорин бўшлиғи, қон томир кўкрак қафаси ва болалар жарроҳлиги, педиатрия, гинекология, нейрохирургия, куйиш жароҳати ва бошқа бир неча бўлимлар мавжуд. Ҳар куни ўртача 68 бемор марказга мурожаат қилмоқда. Авто-авария жароҳати, инфаркт миокард хуружи, хафақонлик ва жарроҳлик касалликлари беморларни энг кўп безовта қиладиган хасталиклардир. Тасодифий бахтсиз ҳодисадан жароҳат олган беморларнинг ўн икки бармоқли ичагида, талоқда, жигарда ўтказиладиган операциялар оғир ва машаққатли меҳнатни талаб этади. Бу меҳнатга шифокор асабий ва жисмоний нуқтаи назардан ҳам тайёр бўлиши ва чидай олиши керак. Айни пайтда тиббиётимиз юзини яхши жиҳозланган ялтироқ бинолар ёки хоналар ифодалай олмайди. Марказимизда дунё хабарларидан узилиб қолган, тиббий журнал ва газеталарни ўқимайдиган, билимини оширишга қизиқмайдиган олий ва ўрта тиббиёт ходимлари ҳам топилиб туради.

Бу каби кадрлар марказ мавқеини тушириб юбориши мумкинлигини англаган ҳолда, уларни ҳар уч ой давомида имтиҳон қилишга, интернет тизимидан фойдаланишга, газета-журналларга обуна бўлишга ундамоқдамиз. Москвадаги Склефосовский номидаги илмий текшириш институтига марказимиз директори Маъмур Абдураҳмонов бошчилигида бир гуруҳ шифокорлар малака ошириш курсларида ўз билимларини мустаҳкамладилар. Бундан ташқари 3 та шифокоримиз шошилинч тиббий ёрдамнинг замонавий услуб ва даволаш тажрибаларини ўрганиш-мақсадида Санкт-Петербург шаҳридаги тез тиббий ёрдам илмий-текшириш институтида бўлиб қайтдилар. Янги технологиялар бўйича 2 та шифокорни Исроил мамлакатида ўқитиш галдаги режалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу мамлакат кредити ҳисобига марказни замонавий техник анжомлар билан таъминлаш жорий йилдаги дастуримизга киритилган. Тўғрисини айтиш керак. Операцион блок хоналаримизда мавжуд, эскирган аппаратлардан фойдаланаяпмиз.

Шифокорнинг суҳбатидан кейин операцион блок хоналаридан бирида бўлдик. Қабулхона бўлими мудири 1-тоифали жарроҳ Комил Хўжаевнинг кеча қийин операциядан чиққанлиги, юзидаги асабий ҳорғинлик ва чарчаш аломатларидан сезилиб турар эди.



– 20 ёшли йигитнинг қорнига қасддан пичоқ санчишибди. Чап қовурға остида, қорин бўшлиғини очганимизда совуқ қурол жигар чап бўлагининг иккала томонини тўғридан тўғри кесиб ўтган ва диафрагмага бориб теккан. Бундан ташқари ошқозон икки жойидан жароҳатланган. Жароҳатлар тикилиб, беморнинг кўкрак қафаси операция қилинди. Пичоқнинг ўзи диафрагмадан ўтиб, ўпканинг пастки қисмини яралаган ва юракка бориб қадалган. Энг қийини юракдаги жароҳатни тикиш бўлди. Жарроҳлик иши 4 соату 40 дақиқа давом этди. Операция муваффақиятли чиқди. Бемор тинч ухлаяпти.

Иш жараёнида баъзан шундай воқеалар ҳам бўлиб турар экан. Кўричак хуружи безовта қилган беморни жарроҳлик столига ётқизишди. Барча уринишлар беморни оғриқдан халос этишга қаратилади. Аммо операциядан кейин бемор қон ташхисида таносил касалликлари инфекцияси борлиги маълум бўлиб қолади. Эҳтиёткорлик чораси кўрилмаса, шифокор беморни даволаш пайтида ўзига инфекция юқтириб олиши мумкин. Операция жараёнида герметик қўлқоплар ва маскалардан фойдаланилади. Шифокор бир вақтнинг ўзида ҳам бемор ҳолатига, ҳам қўлқоп йиртилиб, бармоқлари шикастланмаслигига эътибор бериши лозим. Жарроҳ шифокор хотиралари:

– Шу йилнинг 26 октябрь куни 28 ёшлардаги Қ. исмли йигит ўткир кўричак ташхиси билан марказга келтирилди. Оғриқ бошлангандан кейин ҳам 36 соат вақт ўтган. Дард кечиктирилган. Бемор шошилинч вазиятда операцияга олинди. Унда ўткир кўричакнинг йирингли тури аниқланди. Қон ташхисида заҳм белгилари бор экан. Бундай вазиятда бир ташвиш ўрнига иккинчи ташвиш қўшилади. «Вирусни ўзимга юқтириб олган булсамчи?» – деган хавотир шифокорга операциядан кейин тинчлик бермайди. Беморни зудлик билан шу касаллик даволанадиган диспансерга юбордик. Ташхис натижалари шифокорларга инфекция юқмаганлигини кўрсатди. Хушхабарни эшитиб, ўзимиздан шубҳаланишга ўрин қолмади. Касб бизни фидойиликка ундаб қўйган.

Марказда тинимсиз кечаётган меҳнат жараёни билан танишишда давом этдик. Ёш боланинг чинқириб, атрофдагиларнинг юрак-бағрини эзиб йиғлаши эътиборимизни тортди. Куйиш бўлими шифокори Умар Худойбердиев беморга ачиниш билан ёрдам берар экан, шундай гап бошлади:



– Кўриб турганингиздек бўлимимизда 2-даражали куйиш оқибатида аҳволи оғирлашган беморлар даволанади. Тери, юзи, орқа баданлари, оёқлари куйиб, азоб тортаётган беморларга шошилинч ёрдам кўрсатамиз. Сўнгги пайтларда ёш болаларни қаровсиз қолдириш, эътиборсизлик натижасида куйиш азобини 7-8 ёшли ўғил-қизлар ўз бошидан кечирмоқда. Ота-оналардан илтимос қилар эдик. Фарзандларингизни ёлғиз, назоратсиз қолдирманг. Уларнинг ҳаётига енгил-елпи муносабатда бўлманг. Катта ёшли одамларда шошма-шошарлик оқибатида куйиб қолиш ҳолатлари учрамоқда. Юзи куйган беморларга сон соҳасидан тери олиниб, куйган жойга тикилади. Кучли куйиш ички органларга ёмон таъсир қилади. Баъзан, юрак, жигар, мия фаолияти бузилади ва ўлим ҳолати содир бўлади.

Тажрибали шифокор Чори ака Хўжақуловдан олган билим ва маҳоратларимизни ўз соҳамизда қўлламоқдамиз. Шифокор ўз касбини сидқидилдан оқлаши лозим. Шунга ҳаракат қилаяпмиз.

Шифохонадан чиққанимда, «Тез ёрдам» машинаси кўчада сиренасини ёндириб, яна бир инсонга ёрдам зарур эканлигини хабар қилаётгандек...

Бир неча дақиқалардан кейин ичкарида ҳаёт қайнайди. Яна бир инсоннинг умрини сақлаб қолиш учун елиб-югурадилар. Бу ерда беморларга бепул хизмат кўрсатилар экан. Тиббиёт ходимларининг ойлик маоши ҳам ўртача. Кайфиятни кўтарадиган даражада эмас. Маошдан кўра машаққат кўп шифокорнинг зиммасида. Ўз ўзимга савол бераман. Шафқат шифокорини жасорат кўрсатишга ундаётган нарса беморнинг ҳаётини сақлаб қолишдек оғир масъулиятми? Ёки виждонми?

# ШИФОКОР АЁЛНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

## «ТЕМИР ХОНИМ»

1933 йили оддий ишчи Рыбаковлар оиласида Любовь исмли мовий кўзли, малласоч соҳибжамол дунёга келди. Отаси Сергей Семенович урушга кетганида у 8 ёшда эди. Уруш кўпдан-кўп оилаларнинг бошига ғам, қайғу, жудолик, очарчилик каби офатларни юклай бошлади. Фронт ортидагиларнинг ҳаёти бир-бириникига ўхшаш, аёллар кечаю-кундуз эрининг, ўғлининг жонини омон сақлашини Худодан ёлвориб, йиғлаб сўрар, кимдандир қорахат келганида ҳаёт азага айланар, одамлар бир-бирларига суянишар, ҳамдардлик билдирардилар, меҳр-оқибат кўрсатишар эди. Люба онаси, акаси ва синглиси билан бир уйда яшар, она тикувчилик қилар, ака-сингил уй ишларида унга ёрдамлашар, уч яшар қиз касаллик ва очлик азобидан қийналар эди. Любанинг кўз ўнгида хаста синглиси кундан кунга сўниб борар, мунгли нигоҳлари маъноли боқиб, опасидан ёрдам сўраётгандек бўлиб туюлар эди. Люба бир куни ухлаб ётган синглисини кўтариб, тоза ҳавога олиб чиқмоқчи бўлди. Аммо қизалоқнинг жони узилган экан. Бу воқеа Любанинг қалбини қаттиқ ларзага солди. У беозор, мурғак синглисига ёрдам бера олмаганлигидан афсус ва надомат ичида қовурилар эди. Одамларни йиғлашга, фарёд чекишга ундаётган нарса — ўлим!

Одамлар кўча куйда очликдан шишиб ўла бошладилар. Овқатланиш илинжида дуч келган нарсани истеъмол қилдилар. Баъзи бировлар қовоқ, сабзи еб кун кўрар, шаҳарда вабо тарқалган, одамлар тутдай тўкилар, увадага ўралиб ўлиб ётган қари чолни кўмишга уринганлар кучала егандек тиришиб, мурда устига йиқилар, шу вақтнинг ўзида ҳаром қотар эди. Ўлимнинг авж олишини тўхтатиб қолиш учун шифохоналар оёққа турди. Аҳоли ичида оммавий эмлашлар бошланди. 45-йилларнинг охирига бориб офат чекинди. Уруш охирлаб қолган эди. Жанг майдонларида омон қолганлар уйларига қайтар, фашистлар қуршовидан қочганларга қадрдонларини кўриш насиб этмас, Сталин қийноққа олишидан қўрқиб, ўзга юртларга қочиб кетишар эди. Сергей Семенович урушнинг азоб-уқубатларини охиригача бошидан кечирди. 1945 йилда уни Япония урушига жўнатишди. Уруш тугади деган хабар келгандан кейин жангчи Ватани — Бухорога, оиласи бағрига қайтди. Любанинг ҳаётидаги энг қувончли кун отасини соғ-омон кўргани. Урушдан кейинги тинч ҳаёт...

У шафқатсиз ўлимга қарши курашишни олдига мақсад қилиб қўйган эди. 1952 йили Тошкентдаги Тиббиёт институтига ўқишга кирди. Олти йил ўқиди. Вилоят шифохонасида жарроҳ бўлиб ишлаб юрган кезларида Любани Москвага ўқишга юборишмоқчи эди. Шифокор қиз катта шаҳарда тажрибали олимлардан билим олишни, яхши жарроҳ бўлишни жуда-жуда истарди. Аммо бу истак амалга ошмади. У операция пайтида бемордан ўзига сариқ касаллигини юқтириб олган, соғлиғи ёмонлашиб, юқумли касалликлар шифохонасига тушган эди. Ташқи кўринишидан мусиқа муаллимига ўхшаб кетадиган, қомати озғин, хипчабел, бармоқлари узун Любани яқиндан билмайдиганлар унинг шифокор-жарроҳ эканлигига ишониши қийин. Бу нозик бармоқлар пианинони чалиш учун яратилгандек. Люба шу ингичка бармоқлари билан бемор қорнига қадалган шиша бўлакларини чиқариб олганида ҳамкасблари ҳайрон қолишарди. Одамлар семиз, гавдали шифокорларни яхши жарроҳ бўлса керак деб ўйлашарди. Аёлларга ишонишмасди. Жарроҳлик касби Любани эркаклар билан ёнма-ён ишлашга мажбур қилиб қўйди.


Умр — сен ҳар бир лаҳзасига тавон тўлашинг шарт бўлган тирикликдир.

Люба қўл уриши керак бўлган операция аҳволи — руҳиятига оғир таъсир қиладиганлардан бири эди. У стол ёнида бир неча соат тик оёқда асаблари ниҳоятда таранглашган ҳолда турарди. Беморнинг иккала оёғи шу қадар мажақланиб кетган. Жуда эҳтиёткорлик билан унинг иккала оёғини кесиб ташлаш зарур. Жарроҳ аёл мудҳиш манзарани қалби билан ҳис қилади. Бу касбда кўнгилчанлик панд бериб қўйди. Беморнинг бир оёғи тизза бўғимининг юқорироғидан, иккинчи оёғини пастроғидан кесишади. Унинг ҳаёти учун шу куни қаттиқ меҳнат қилинди.

Люба узоқ йиллик шифокорлик ҳаётида одамларнинг қандай жон беришини кўп маротаба ўз кўзи билан кўрган. Довюрак, жасур ва шижоатли инсонлар ўлимни ваҳимасиз, мардлик билан қарши оладилар. Бундай ҳаётий саҳналар жарроҳ аёлнинг иродасини тоблайди. У операцияга кирганида қўллари қалтирамаслигига, ҳавотирга тушмасликка ҳаракат қилади. Кўп ҳаяжонланадиган, уқувсиз ходимлар билан ишлаётганида асаблари тутоқиб кетади. Уни четдан кузатаётганлар мулойим аёл қиёфасида кўзидан ўт чақнаётган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, шижоатли лочинни кўргандек бўлишади.

Ё тавба, наҳотки бу Любовь Сергеевнанинг ўзи бўлса. Операция силлиқ ўтиб, ҳамма иш эсон-омон тугаса, Люба яна дилбар аёлга айланади. Унинг «темир хоним» бўлишига, ҳулқ-атворининг ўзгариб туришига, ҳар куни давом этаётган зиддиятли, нотинч ҳаёт сабаб.

## «ҲОМИЛАДОР ЭРКАК»

Беморларнинг дарди ҳар хил. Ўн йил олдин 35 ёшлардаги эркак киши қорнидаги кучли оғриқдан қийналиб, жарроҳга мурожаат қилди. Ташхис натижалари унинг тос суяги устида ёт жисм борлигини кўрсатди. Аввалига Люба бу ўсма бўлса керак деган фикрга борди. Бемор операция қилинганда, унинг қорнидан чақалоқ эмбриони топилди. Сочлари қора, қўллари ва оёқлари шаклланган бу мавжудотни шифокорлар ўз кўзи билан кўришди. Ҳайрон қолишди. Кейин маълум бўлишича, она бачадонидаги иккита эгиз ҳужайранинг биттаси нормал ривожланган. Ўсишдан тўхтаб қолган иккинчи ҳужайра акасининг қорнига жойлашиб олган экан. Эркак ўз укасини 35 йил қорнида кўтариб юрган. Унга чақалоқни кўрсатишганида: ишонмайман, устимдан кулаяпсизлар», — дея шифокорларни сўка бошлади. Бемор одамларга кулгу бўлиб юришдан қўрқиб, уйига қочиб кетди.

Касалхонага «Тез ёрдам» машинасида бошқа беморни келтиришди. Ёши ўттизларга бориб қолган йигит. Қаери оғриётганлиги ҳақида ҳеч нарса гапирмади. Юрак уриши жойида. Қон босими яхши. Бемор лом-лим демайди. Люба унинг оғзини очиб, тилини кўрмоқчи бўлди. Йигит автоҳалокатдан талвасага тушиб, тили тишлари орасида қисилиб қолибди. Уни дарддан ихлос қилишганида, тил жағи тўхтамасдан гапира бошлади. Люба беморхонада гоҳ кулгули, гоҳ қайғули воқеаларнинг шоҳиди бўлади.

Ошқозон яраси операциясидан кейин кўп қон йўқотган беморнинг аҳволи оғирлашди. Шифокор Ғуломов беморнинг ўлиб қолишидан қўрқиб, жиққа терга ботиб, устбоши шалвираб Любанинг олдига чопади. Беморда қон кетиш такрорланган. Гемоглабин миқдори 4 фоиз. Люба шошиб-пишиб беморни жонлантиришга уринди. Унга жон кирди. Шифокор аёл беморнинг тепасида терлаганча, хавотирини боса олмас эди. Ўшанда ҳамкасбига:

— Умримда биринчи маротаба ҳаммомнинг пархонасида ўтиргандек терлаяпман. Сен терлаб, мени қўрқитмаганингда бу каби ачинарли аҳволга тушмаган бўлур эдим, — дея ҳазиллашади. Ўн икки бармоқли ичагида яра бор яна бир бемор. Уни операцияга тайёрлашди. Наркоз беришди. Терини кесишди. Қон кетаяпти. Ярани топиш керак. Аксига олиб, операция хонасида чироқ ўчиб қолса бўладими? Шифокор ва ҳамширалар бемор тепасида туриб, шам ва фонарлар ёқиб, тўрт соат ичида операцияни якунладилар. Касал одам ҳеч нарсадан бехабар шифокорга:

— Тинч ухлашим учун чироқни ўчирдингизми?

Қоронғи хонада кулгу кўтарилди.

## ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДАГИ СОВҒА

Люба устози Надежда Петровнани ҳаётдаги идеал инсон деб билган. Бу аёл доно, камтар, одамлардан ёрдамини аямайдиган, қўли енгил, билимдон, оқ кўнгил инсон эди. Люба уни ҳурмат қилар, шу инсонга ўхшасам деган ҳавас билан яшар эди. Устозидан кўп нарсаларни ўрганди. Ўрганмаганларини ҳаётнинг ўзи ўргатди. Одамларнинг бахтли турмушига чанг солаётган касалликларни енгишга шиддатланди. Хасталик инсонни сира тинч қўймас экан. Отаси ва акаси хавфли рак балосидан вафот этди. Люба тақдирнинг адолатсизликларидан сиқилди. Ҳаётга келиб, уруш ва хасталикдан бошқа нарсани кўрмаган Сергей Семеновичнинг қисматига ачинарди. Шифокор хасталик инсонга қайғу келтиришини, ундан ҳазар қилишини одамларга рўй-рост айтади. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан чарчамайди. У яхши шифокор бўлиш учун ўз устидан ғалаба қозонишга, соғлом ва кучли бўлишга ҳаракат қилди. Кўп изланди. Тинимсиз ўқиди. Операциялардан бош тортмади. Янги йил арафасида тунги соат олтиларда 45 ёшдаги бемор оғир жароҳат билан операция столига ётди. Бахтсиз тасодифни қарангки, ҳовлидаги буқа унинг қорнига шохини қадаб, кўкрак қисмини ва ўпкасини жароҳатлаган экан. Бемор кўп қон йўқотган. Люба бошчилигида ўтказилган жарроҳлик иши кўнгилдагидек чиқди. Оғир операциядан чарчаган аёл эртасига оила аъзолари билан янги йил кутиши керак. Байрамга тайёргарлик кўриш учун уйига шошди. Эшик қўнғироғини босди. Ҳеч ким очмади. Турмуш ўртоғи ҳам шифокор. Навбатчиликда бўлса керак. Қизим ва неварам бозорга кетгандир деган ўй билан эшикни ўзи очмоқчи бўлди. Бирданига очилиб кетди. Ичкарига бош суқди. Хонадаги нарсалар ҳар томонга сочилган. Тилла буюмлар жойида йўқ. Хат топиб олди. «Любовь Сергеевна, беморларингизга раҳмат. Янги йилингиз билан». Ўғриларнинг совғаси шифокорда ноҳуш кайфият уйғотди. Йўқотган нарсасига ачинмади. Дунёда энг бебаҳо бир бойлик бор. Бу — соғлик. Соғлик йўқотилса, ҳаётнинг мазмуни қолмайди. Соғлик йўқотилса, бошқа нарсалар аҳамиятсиз бўлиб қолади. Шифокорни майда-чуйда муаммолардан кўра муҳимроқ нарсалар ўйлантиради. Бир маротаба берилган умрни тўғри яшай олдикми? У бу саволни ўзига кўп маротаба берган ва вақтнинг имкониятларини ушлаб қола олганидан, одамларга саломатлик деб аталмиш бебаҳо бойлик улашиб яшаётганлигидан кўнгли тоғдек кўтарилиб кетади.

Бугунги кунда Бухоро шаҳар тез тиббий ёрдам марказида олий тоифали жарроҳ, шу бўлим мудири бўлиб ишлаб келаётган Любовь Сергеевна Рыбакова умрининг 45 йилини шифокорлик касбига бағишлади. Жарроҳ шу йиллар мобайнида қийинчиликларга бардош бериб, касбида жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатиб, қанчадан-қанча инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Яқинда шифокор аёл қутлуғ 70 ёшни қаршилайди. Шарафли касб эгаси Любовь Сергеевнани таҳририятимиз номидан муборак ёши билан табриклаб, унга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва бардамлик тилаймиз.

**Рашид ОРТИҚОВ,**
**журналист.**

# СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ



Нодавлат тиббиёт муассасаларини ташкил этиш ислоҳотлар бошланиши жараёни билан биргаликда олиб борилмоқда. Ҳозиргача нодавлат ва хусусий тиббиёт муассасалари сони 137 тага етди. Шундан 69 тасини Давлат тасарруфидан 1999-2000 йилларда чиқарилган объектлар, 27 тасини янгидан ташкил қилинган муассасалар, 39 тани хўжалик ҳисобидаги муассасалар ташкил этади. 2002 йилнинг ўтган даврида янгидан 6 та хусусий фирмалар ташкил қилинди. Хусусий шифохоналар сони 8 та бўлиб, хўжалик ҳисобидаги бўлимлар бюджет ҳисобидаги шифохоналар таркибида 655 шифо ўрин ташкил қилинди Бюджетдан ташқари нодавлат тиббиёт муассасалар томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 402 миллион сўмлик маблағ тушди. Бу бюджетга ажратилган маблағнинг 6 % ини ташкил қилади. Якка тартибда фаолият кўрсатадиган лицензия врачлар сони 492 тага етди. Хусусий тиббиёт фаолияти билан шуғулланаётган муассасалар ўзларининг моддий-техник базаларини мустаҳкамлаш борасида банклардан кредитлар олишмоқда. Жумладан, Ғиждувон туманидаги «Туйғун» хусусий терапевтик клиникаси 2 миллион сўмлик, Ғиждувон тумани хўжалик ҳисобидаги поликлиника 5 миллион сўмлик, Ромитан тумани марказий касалхона хўжалик ҳисобидаги терапия бўлими 10 миллион сўмлик ва Бухоро туманидаги «Феруз-2001» хусусий тиббиёт корхонаси 1 миллион сўмлик ҳамда Бухоро туманидаги «Азиз инсон» хусусий шифохонаси 1 миллион сўмлик кредит олиб фаолиятини ривожлантириш билан шуғулланмоқда.

Вилоятда нодавлат тиббиёт тизмини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2001 йил 19 мартдаги 44-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда кўрсатилган кўрсатмаларга асосан вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси буйруғи билан вилоят касалхонаси, вилоят кардиология диспансери ва Бухоро шаҳар касалхонаси таркибида, ҳамда туманлар марказий касалхоналари негизида хўжалик ҳисобидаги бўлимлар ташкил қилинди. Ушбу бўлимлар томонидан аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилаётганлиги сабабли кўпчилик беморлар ушбу бўлимларда даволаниб чиқишга интилмоқдалар. Вилоят касалхонаси таркибидаги терапия ва хирургия профилидаги 20 шифо-ўринли хўжалик ҳисобидаги бўлимлар бир ойда 2-3 миллионгача маблағ шифохоналар хазинасига кирим қилмоқдалар. Шунингдек, хусусийлаштирилган ва нодавлат тиббиёт тизимига айлантирилаётган муассасалар фаолияти билан боғлиқ масалалар, муаммолар вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг тиббий кенгашлари ҳамда вилоят, туманлар ҳокимлигида муҳокама қилиниб борилмоқда.

Нодавлат тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган 21 нафар врачлар Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўз билим савияларини ошириб қайтдилар. Жорий йилнинг ўтган даврида 7 нафар врач стоматологлар сайёр циклида малака оширдилар.

**Комила ИБРАГИМОВА,**
**Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги хўжалик ҳисобидаги муассасалар бошқармаси бошлиғи.**

Саҳифа материалларини таҳририят ходими Р. Ортиқов ва Бухоро вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг ходимлари Ш. Қосимова ва С. Болтаевлар тайёрлашди.

Рамазон мутолааси

# РЎЗА – ВУЖУД ЗАКОТИ

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам меърожга кўтарилганларида Оллоҳ таоло ўзининг охир замон пайғамбари ва ҳабибига беш асосий фарзни вазифа қилган.

**Рамазон ойида рўза тутиш шу фарзлардан бири.**

Ҳадис: «Оллоҳ таоло: «Бандаларим, одамлар кўзи тутгулик барча қиладиган ишлари – намоз ўқимоқ, хайр-эҳсон қилмоқ, закот бермоқ ўзлари учун, тутадиган рўзалари мен учун» деган».

Рўза ойининг хосияти шундаки, «Қуръони Каримни қадр кечасида нозир қилдик», дейилади.

Рўза аслида вужуд закоти – покланишдир. Рўза инсонни сабр-қаноатга, қўним топишга, шукрона айтишга чоғлайди. Кам е, кам де, кам ухла деган сўзларнинг пурҳикматли хосияти муборак кунларда янада ойдинлашади.

Муборак ойда одамлар феъли, чеҳрасида ижобий ўзгаришлар содир бўлишининг сабаби шунда. Рўзадорлар солиҳ амаллари ўлароқ ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан покланадилар, меҳр-оқибат кўрсатадилар, қадр топадилар, гуноҳларидан фориғ бўладилар. Гуноҳи азимларидан холисланиш эса, жамиятни поклаб, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўл очгусидир.

* * *

**Лайлат ул-Қадр кечасида ибодат қилиб чиқмоқ имондандир.**

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Кимки Лайлат ул-Қадр кечасининг ҳақлигига ишониб, Оллоҳдан савоб умидида ибодат қилиб чиқса, қилган гуноҳларининг ҳаммаси кечирилгусидир».

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Кимки Оллоҳга ишониб, ундан савоб умид қилиб рамазон рўзасини тутгайдир, собиқ гуноҳлари ҳам кечирилгайдир.».

**«Ал-Жомиъ Ас-Саҳиҳ»дан.**

# ҲИКМАТЛАР

*• Қаноат – иззатнинг асоси, ўлмайдиган боқий хазина, қуримайдиган дарахт, завол топмайдиган мулк.*

*• Юракка ўрнашиб олган манманликни йўқотишдан кўра, тоғни игна билан йиқитиш осонроқ.*

* * *

*• Меҳмонни азиз тутинг. Халқдан тама қилманг. Ота-она ҳақини унутманг ва қариндошлардан эҳсонингизни аяманг. Одамлар билан аҳду вафода содиқ бўлинг. Айтилмаган ерга меҳмонга борманг. Бировнинг ҳожатини чиқариш қўлингиздан келса, саховатингизни дариғ тутманг.*

*• Яхшиларни эъзозланг. Солиҳ қишилар билан суҳбат қуринг. Ўлганларни яхши сифатлари билан эсланг. Дўсту душманга қайта насиҳат қилманг. Отангиз вафотидан кейин унинг васиятларини бажо келтиринг. Илм олишга интилувчан бўлинг. Ҳеч бир ишни илмсиз қилманг ва ҳеч бир сўзни илмсиз сўзламанг.*

*• Тилингизни ёмон сўзларга одат қилдирманг. Ёмон сўзларга қулоқ солманг. Сизга қулоқ солмаган одамга сўзламанг. Айтган сўзингизга амал қилинг.*

**Ҳусайн ХЕФЗИЙ**

## Бабушкины рецепты

### ВАРИКОЗНОЕ РАСШИРЕНИЕ ВЕН

*Три среднего размера антоновских яблока уложите на дно эмалированной кастрюли. Вскипятите литр воды и залейте яблоки, закройте кастрюлю крышкой, закутайте в одеяло. Через 4 часа, не вынимая яблоки из остывшей воды, разомните их прямо в кастрюле, процедите. Съедайте по 50 г с чайной ложкой меда утром натощак и перед сном.*

### ВИТИЛИГО, ИЛИ ПИГМЕНТНАЯ АНОМАЛИЯ

*Светлые пятнышки на коже смазывайте мякотью дыни.*

### ГЛИСТЫ

*1 столовую ложку семечек арбуза смолите в кофемолке и разведите в 10 столовых ложках молока. Перемешайте и пейте вместо чая.*

### ЗАКУПОРКА ВЕН

*Зелень зверобоя пропустите через мясорубку, отожмите сок в банку, закройте крышкой и оставьте стоять на неделю. Каждый день на несколько минут открывайте крышку, чтобы выпустить газ из жидкости. Через неделю настоем смазывайте больные места.*

### ЗАДЕРЖКА МЕСЯЧНЫХ

*0,5 стакана луковой шелухи залейте стаканом кипятка и настаивайте 30 минут в закрытой посуде. Процедите, пейте в течение дня. Курс лечения – 20 дней.*

### КАТАРАКТА

*Полстакана сушеных ягод черники залейте половиной стакана воды, накройте крышкой, настаивайте 10-15 дней. Настоявшийся сок слейте в эмалированную посуду и кипятите на слабом огне до тех пор, пока объем не уменьшится до 1/3. Остудите, профильтруйте. Закапывайте 2-3 раза в день по 2-3 капли. Курс 15 дней, 2 дня перерыв, затем лечение повторите.*




А. НУРАТДИНОВ олган сурат.

# СКРЫТЫЕ ТАЙНЫ ИНДЕКСОВ

Многие уже знают, что во всех промышленно переработанных продуктах, которые мы покупаем и едим, есть красители и консерванты. Производители не делают тайны и честно перечисляют, какие именно добавки были использованы в составе продукта. За индексом Е скрываются десятки химических веществ и их соединений, столь же популярных в современном производстве продуктов питания, как поваренная соль. Но, увы, не столь безвредных.

Многие консервирующие и красящие вещества, разрешенные международными стандартами к применению, признаны угрожающими здоровью человека или просто вредными. Причем, если некоторые добавки (регуляторы кислотности Е 338-341, эмульгатор Е 450, загустители Е 407, 461, 465, 466) вызывают различные расстройства пищеварения, то другие, например, консервант Е 200 (применяется для консервирования лососевой икры), разрушают очень важный для жизнедеятельности организма витамин В12.

Консерванты Е 230-233, по данным университетской детской больницы Дюссельдорфа (Германия), могут вызвать заболевания кожи и аллергию. Антиокислители Е 320 и 321 (используются в производстве жевательных резинок) способствуют увеличению уровня холестерина в крови, а консерванты Е 220, 221, 223 и 224 вызывают раздражение кишечного тракта. Опасными признаны красители Е 102, 110, 120, 124. Лимонная кислота Е 330 значится в списке наиболее опасных пищевых добавок. Согласно исследованиям немецких ученых, она является сильнейшим концерогеном и может вызвать раковые заболевания ротовой полости. К сожалению, Е 330 есть практически во всех прохладительных газированных напитках, жевательной резинке, леденцах, во многих видах кондитерских изделий (печенье, вафлях), в кетчупах, соусах и даже маргарине. Также к концерогенным добавкам относятся красители Е131, 142 и консерванты Е210-214, 217, 239, 245, 246. Наиболее часто встречается в продуктах бензоат натрия (Е211).

К счастью есть, и достаточно много безопасных пищевых добавок. Среди красителей это Е100, 101, 103, 105, 111, 121, 126, 130, 132, 140, 151, 160-162, 170, 174, 175, 180, 181. Не наносят ущерба здоровью консерванты Е 201-203, 236-238, 260-263, 280-282, антиокислители Е 300, 301, 303, 305-309, 322, 325, загустители Е 400-406, 408, 410, 411, 413, 414. Кондитерские изделия с подсластителями Е 420 и 421, желирующим веществом под индексом Е 440 и эмульгаторами Е 471-475 и 480 тоже не создадут дополнительных проблем со здоровьем.

Мы не можем исключить из своего рациона продукты промышленной переработки, но можем внимательно читать этикетки и осознанно делать выбор.

# СКАЖИТЕ ЗУБНОЙ БОЛИ «НЕТ»!

Снять зубную боль помогут мудры. Их использовали еще в Древней Индии. Положите левую руку внешней стороной ладони на правую так, чтобы большой палец правой надавливал на внутреннюю сторону безымянного и мизинца левой. Выполняйте упражнения по 4 минуты 3 раза в течение дня с промежутком 5 минут. Если боль усилилась, увеличьте время упражнения до 18 минут и повторяйте его 5 раз в день.

Можно скатать маленький ватный шарик, смочить его камфорным спиртом или настойкой валерианы (подойдет даже обычный йод) и положить непосредственно на больной зуб. Менять такой «компресс» надо каждые 10 минут, пока боль совсем не утихнет.

От зубной боли хорошо помогают чеснок и лук. Натрите их на мелкой терке, смешайте в равных частях и положите в полость ноющего зуба. Можно использовать и «гвоздики» гвоздики.

В течение 5 минут помассируйте верхнюю точку ушной раковины. Если болит зуб справа, разомните ее не правом ухе, и наоборот.

На время унять зубную боль вам поможет эффективное полоскание из разряда «три в одном»: смешайте полстакана теплой воды с полстаканом отвара шалфея, растворите в смеси 1/2 чайной ложки пищевой соды и 1/4 чайной ложки соли. Наберите раствор в рот и подержите возле больного зуба.

Прополощите рот слабо-розовым раствором марганцовки.

## ОДНО РАССТРОЙСТВО

Расстройство желудка – самая типичная проблема. Незаменимые лекарства в подобных случаях всегда есть у нас под рукой.

• Смешайте по одной чайной ложке цветков ромашки лекарственной, листьев мяты перечной и корня валерианы лекарственной. Заварите двумя стаканами кипятка и настаивайте 40 минут в темном месте. Процедите и пейте по полстакана в течение дня.

• Приготовьте себе раствор, нормализующий кислотно-щелочной баланс. Чайную ложку соли и восемь чайных ложек сахара разведите кипяченой водой.

• Не забудьте и о груше, яйцах, сваренных вкрутую. Приготовьте сок из свежей моркови. Они действуют закрепляюще. Очень хорош крепкий черный чай, только добавьте в него 2 чайные ложки гранатового сока.


# САЛОМАТЛИК БЕБАҲО – УНИ ПУЛ БИЛАН ЎЛЧАБ БЎЛМАЙДИ! УНИ ҚАНДАЙ ЭҲТИЁТЛАШ МУМКИН?



«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» маслаҳатлари ва тавсияларига амал қилсангиз, касалликдан фориғ бўлиш имконини топа оласиз.

Саломатлик уммонида ўзига хос йўлбошчингиз бўлмиш «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасини мунтазам ўқиб боринг.

Газетамизни киоскалардан харид қилиш ёки исталган алоқа бўлимида унга 2003 йил учун обуна бўлишингиз мумкин.

**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Нашр индекси – 127.**



«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш»
«Здравоохранение Узбекистана»
Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир:
С. ОРИПОВ, профессор.
Ижрочи муҳаррир:
И. СОАТОВА.
Таҳрир ҳайъати:
М. МИРАЛИЕВ, П. МИРПЎЛАТОВ
(Бош муҳаррир ўринбосарлари),
Х. РАББАНАЕВ.

Манзилимиз: 700060, Тошкент, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 133-13-22; тел. 133-57-73.
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида рўйхатга олинган, гувоҳномаси № 00504.
Адади 10.000 нусха.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.
Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади.
Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш»»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Буюртма Г-1016.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Ҳажми 2 босма тобоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Саҳифаловчи: Қодиржон ҚАЮМОВ.
Босмахонага топшириш вақти 20.00.

Топширилди 20.00.